


493

ФЕНИМОР
КУПЕР

САЁХАТ
САҒУЗАШТ

МЕТИН
ЮРАК
ҚИССАСИ





Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предмдуших
выдач

713

8



ЖЕПМС ФЕИМОР КУПЕР

МЕТНИ ЮРАК ҚИССАСИ
ЕХУД НАТТИ БАМПОНИНГ
ЎЛИМИ





821.111(73)

К 93

ЖЕЙМС ФЕНИМОР КУПЕР

МЕТИН ЮРАК ҚИССАСИ
ЕХУД НАТТИ БАМПОНИНГ
ЎЛИМИ

РОМАН

Эркин Миробидов таржимаси

№ 24.

2578

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Кўмакчиси
«Ёш Гвардия» н. Мама
1988

На узбекском языке

Джеймс Фенимор Купер

ПРЕРИЯ

Роман

Редактор Р. Матрупова. Рассел Б. Шарипов. Расмлар редактори Р. Зуфаров.
Тех. редактор У. Ким. Корректорлар С. Сайдолимов, Б. Юнусов.

ИБ № 2276

Теринга берилди 19.05.88. Босишга рухсат этилди 2.11.88. Формат 84×108¹/32.
№ 2 босма қозғал «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди.
Босма листи 15,0. Шартли босма листи 25,20. Нашр листи 26,66. Тиражи 60000.
Буюртма № 5672. Шартнома — 6—88. Баҳоси 2 с. 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети «Еш гвардия» нашриёти Тошкент, 700113.
Чилонзор маснави, 8 квартал. «Правда» газетаси кучаси, 60 уй.

«Меҳнат» нашриётининг фотонабор бўлимида терлаган.

Ўзбекистон  нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси.
702800, Янгийул шаҳри, Самарқанд кучаси, 44

Купер Ж. Ф.

К 93 Метин юрак қиссаси ёхуд Натти Бампоннинг ўлими: Роман / [Э. Миробидов тарж.] — Т.: Ёш гвардия, 1988. — 480 б.

Машҳур америкалик адиб Фенимор Купернинг ўзбек китобхонага тақдим этилаётган бу романи «Қўл Пайпоқ» бешлиги — пенталогиясининг энг охириги, бешинчи китобидир. Дарди овчи Натти Бампо ҳамда Поль Ховер билан капитан Душан Ункас Миндтонларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Купер Д. Ф. Прерия: Роман.

И (Амер)

К 4703000000 - 125 55—88 ISBN 5—633—00055—2
356(01) 88

© Издательство «Детская литература», 1980

© Издательство «Еш гвардия», 1987 (перевод, оформление)

Д Е Б О Ч А

Американинг Аллеган ва Кояли тоғлар оралигида жойлашган қисмининг геологик тузилиши талайгина оқилонаю ажойиб назариялар дунёга келишига сабаб бўлган. Дарҳақиқат, мазкур бепоён ўлка бир маромдаги, яхлит текисликдан иборат. У буйиyo кўндалангига бошдан-оёқ — шарқдан ғарбга томон бир ярим минг миль, шимолдан жанубга қараб олти юз миль — кезиб чиққан тақдирингизда тоғ деб аташга арзигулик ақалли биронта тепани учратишингиз амримахол-ов. Ғарчи хикоятимизнинг илк саҳифаларида таъриф у тавсифланганидек текисликнинг аксар қисмини ўзига ҳос «тўлкинсимон паст-баланд» жойлар ташкил этса ҳамки, бу ерда баланд адиру тепалар камдан-кам йўлиқади.

Ҳозирда Огайо, Иллинойс, Индиана, Мичиган ва мамлакатнинг Миссиссиппидаги мағриб ёқдаги қисмидан аксариятини ўз ичига олган майдон қадим-қадим замонларда сув ости бўлган деб ўйлашга асоси далиллар бор. Мазкур санаб ўтилган штатларнинг тупроғи оқиб келган тоғ жинслари қатламларидан таркиб топган; кейин, бу ерларда яққа-ёлғиз улкан-улкан харсанглар кўплаб топилган, бунақанги харсангларнинг табиий хусусияти ҳамда жойлашиш ҳолати уларни бўёқларга сузиб юргувчи муз тоғлари суриб келтирган деган фикрни қалладан осонликча чиқариб ташлашга изи бермайдн. Ушбу назариянинг таъкидлашича Улуғ кўллар чуқуқ сувли улкан кўл тубидаги ўпқон-ўралар бўлган, улар шунчалик чуқур бўлганки, қуруқлик бетини яланғоч қилиб қўйган катаклизм — кескин ўзгариш, ҳалокату фалокатлар ҳам қурита олмаган уларни.

Французларнинг ҳали-ҳозирча Канада билан Луизианага эгаллик қилиб турганлари ва тилга олиб ўтилган майдоннинг барига даъвогар эканликларини унутмаслик лозим. Уларнинг овчилари ва илғор бўлугу бўлишмалари бу ўлкаларнинг ёввойи истекоматчилари билан биринчи бўлиб мулоқоту муомала ўрнатганлар, шу бонедан ҳам мазкур ерларни тасвирловчи, бизгача етиб келган энг қадимий, энг илк таърифу тавсифлар француз миссионер¹ларининг қаламига мансубдир. Ана шу сабабдан Американинг мазкур қисмида озмунча француз сўзлари таомилга кириб, улардан аксарияти француз тилида берилган ном сифатида талай жойларда муқим сақланиб қолган. Буюқларга биринчи бўлиб келиб қолган дастлабки саргузашт изловчилар ибтидою интихоби йўқ ўрмонзорлар кўксига бутазорлар ёхуд белга урадиган ўт-ғиёҳлар билан қопланган чеки-чегарасини кўз илғамайдиган текисликлар ҳам борлигини кўргач, улар, табиийки, бундай жойларни «ўтлоқлар» деб атаганлар. Французлар ўрнини инглизлар эгаллаб, Европада кўрганларига мутлақо ўхшамайдиган жойларни кўргач, бу табиий «ўтлоқларни» аллақачонлар французлар томонидан берилган ва ўзларининг тилларида ҳеч қандай маънони билдирмайдиган ўша шартли ном билан атаб қўя қолдилар. Шу тарика французларнинг «prairie» сўзи — мазкур алоҳида маънода — инглиз тилига кириб келди.

Америкада прерия² нинг икки тури бор. Миссионердан шарқдаги қисми нисбатан чоғроқ, ниҳоятда бўлиқ, ҳосилдор ва ҳамиша ўрмон билан қуршалган. Уларда экинзорлар барпо этиш осонроқ, одамлар ҳам тезгина ўрнашиб, ўтроқлашиб қолади. Огайо, Иллинойс, Индиана ва Мичиган штатларида бундай жойлар сероб. Бу ўрмонларнинг қашшоқлиғиго сув танқислиғи сезилиб туради — одамлар ўз маҳоратларигу санъатлари ила табиат нуқсонун қусурларини ҳали бартараф эта олмаган жойларда аҳвол мушкул. Илло мазкур ўлкаларни умуман тошқўмирга бой дейдилар, кейин, одатда, истаган ерда қудук қазиб сув чиқарса бўлгани туфайлидан уddaбурун кўчманчилар аста-секин бу қийинчилиғу мушкулликларни енгиб боряптилар.

¹ Миссионер — ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс.

² Прерия — Шимолий Америка чўллари.

Иккинчи хилдаги ўтлоғу яйловлар Миссисипидан гарбда, дарёдан нарига қараб бир неча юз миллаб чўзилиб кетган ва у Катта прерия деб аталади. Сизларга дунёда маълум бўлган жамики чўллар орасида кўпроқ Татар даштларига ўхшаб кетади у; ушбу бепоён ерлар юқорида айтиб ўтганимиз икки ҳаёт омилли, икки унсур йўқлиги бонисидан кўплаб аҳолини боқинишга қодир эмас. Тўғри, бу ерда дарёлар кўп; аммо мазкур ҳадсиз майдонлар дехқоннинг қувончи — тупроқнинг маҳсулдорлиги учун зарур бўлган чашмаю булок, ариғу сойлардан деярли маҳрум.

Америка Катта прерияси қачон ва қандай бунёд бўлган — табиатдаги энг мушкул жумбоқлардан бири бу. Бағоят унумдорлик Қўшма Штатлар, Канада ҳамда Мексика тупроқининг ўзига хос алоҳида умум хусусиятидир. Бизнинг мамлакатимизнинг одамлар яшайдиган қисмида ишга яроқсиз ери кам, бунақанги яроқсиз ери кам беадад майдонни ер қуррасининг бўлак жойидан излаб топиш мушкул. Қояли тоғлар ёнбағирлари аксар ҳолда экин-текин қилса бўладиган жойлар; ҳаттоки республиканинг ана шу қисмида прерия тупроғи ҳам қалин чўқинди қатламидан таркиб топган. Қояли тоғлар билан Тинч океан ораллигидаги ерларни ҳам шу қаторга қўшсак адолат сарҳадидан чиқиб кетмасмиз-ов. Ҳикоятимиз воқеалари содир бўладиган ва аввалига, шубҳасизки, америкаликларни магрибга томон янада ичкарилаб боришларига тўсиқлик хизматини ўтаган сербар яримчўл минтақаси ястанган ўша ерларда. Дарвоқе, мазкур китоб биринчи нашр этилганидан берига республика чегаралари токи Тинч океанга қадар кенгайган, ва қўчманчи аллақачон траппер¹ изидан унинг нақ соҳилларигача етиб борган эди.

Катта прерия, чамаси, қизил танлиларнинг сўнги паноҳ-қўналғаси бўлиб қолган эди. Могиқанлару делаварлар, криклару чокто ва черокларнинг қолган-қутганлари қисматига умрларини ана шу бепоён текисликларда тугатиш битилганди. Бизнинг мамлакатимиздаги ҳинду² ларнинг умумий сони бир-бировидан тамоман тафовут қиладиган ҳисоб-китобларга кўра юздан беш юз минг нафаргача боради. Уларнинг аксар қисми Миссисипининг

¹ Америкада қопқон қўйиб ов қиладиган одам шундай аталади.

² Ҳиндулар — Американинг тубжойлик аҳолиси.

гарбий соҳиллари ёкдаги ерларда истикомат қилади. Хикоятимиз тасвирланажак замонларда улар узаро муттасил уруш олиб боришар, ўтли-қонли адоват авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтарди. Республика ана шу овлогу ёввойи ўлкада осудалик қарор топиши йўлида талай чора-тадбирлар кўрди, ушбунинг самарасида эндиликда йигирма беш йиллар муқаддам маданий олам кишини соқчиларсиз қадам босишга журъат эта олмайдиган ўша жойларда беҳавотир саёҳат қилса бўлади.

Яқингинада содир бўлган воқеалар Катта прерияни маълуму машҳур қилиб юборди ва биз эндиликда у ерга қилинган саёҳатлар тасвирини ярим аср муқаддам Огайо билан Луизианага сафар қилган кўчманчиларнинг хикояларини ўқиганимиздек чанқоқлик ила қироат қиламиз. Давру замонга ҳос бир жиҳатни қайд этиб ўтмоғимиз даркорким, аллақачонок мазкур бепоеъ ялангликнинг қаеридан темир йўл ўтказиш хусусида амалий мунозарамусохабалар бошланиб кетган ва бу ҳол одамларга эндиликда хомхаёл бўлиб кўринмай қолган эди.

Мазкур китоб билан биз Кўн Пайпок ҳақидаги хикоятимизни тугаллаймиз. Йиллар юки остида, у мункиллаб қолган, эндиликда на навқирон сайёду на жангчи, қопқон билан тирикчилик ўтказувчи трапперга айланган, Улуғ Ғарбда бундайлар оз эмас. Болталар садоси уни ўз суйган ўрмонлардан қувиб солган, бари нарсадан умиди узилиб, тақдирига тан бериб, Қояли тоғларга қадар чўзилиб кетган яланғоч текисликдан паноҳ излайди у. Умрининг охирини шу ерларда ўтказди ва бир-ярим қусури бор, булак айб-иллату бадқирдорлик нелигини билмайдиган, табиатнинг ўзидек покизаю ҳалол, самимию диёнатли файласуф-зоҳид мисоли оламдан кўз юмади.



1606

Мол ё савоб учун айтгил, эй чупон,
Бу овлоқда емак топса бўларми?
Бизга бир бошпана топиб бер яна...

*Шекспир, «Қалай, шу сизга
маъқулми?»¹*

Бир вақтлар, шундоқ ҳам майдони улкану ярмигагина одам жойлашган Қўшма Штатларга бепоён Луизиана ерларини қўшиш арзийдиган ишми, бунинг лузуми бормикин, деган гап-сўзлар куплаб айтилар ва ёзилар эди². Аммо қизгин мунозара-бахслар хийла совиб, турли партиявий мулоҳаза-ўйлар хийла қўлами кенгрок нуктаи назар, теран фикрларга ўрин бўшатиб бергач, мазкур тадбирнинг оқилона эканини барча тан олди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, башарти табиат изми ила дашти биёбон халқимизнинг гарб сари янада илгарилаши учун гову тўсиқлик қилиб йўлни тўсган бўлса, ушбу тадбир бизнинг дастимизга воқеа-ходисалар алмашилиб-ўзгариб туриши жараёнида ракибларимиз орасидан бирон-бир ўзга халқ эгаллаб олиши мумкин бўлган серҳосил ерлар минтақасини тутқазганини ҳатто энг ақли ноқис кимсалар ҳам аниқ-равшан англаб етдилар.

¹ Шеърларни Яхё Тогаев таржима қилган.

² 1803 йили Франция 1801 йилги сулҳ шартига биноан Испаниядан ўзига ўтган Луизианани АҚШга 15 миллион долларга сотган.

Бу чора-тадбир бизни бепоён ички музофотнинг бутун-
лайинча яккаю ягона эгаси, танҳо ҳукумдори қилди ва
четараларимиз теграсида яшовчи бесанок ёввойилар
қабилаларини бизнинг назоратимизга топширди. У қадимий
бахс-тортишувларга чек қўйиб, халққа ишонч ҳис-
туйғусини бахш этди. У қитъа ичкарасида минг-минглаб
савдо ҳамда Тинч океанга элитгувчи йўлларни очди.
Борди-ю вақти-соати етиб бепоён давлатимиз ерларини
тинч йўл билан бўлиш зарурати тугилиб қолгудек бўлса,
у чоғда қаватимизда биз билан тили бир, дин-этиқоиди
бир, жамият тузуми бир, яна умид қилиш мумкинки,
адолатли сиёсат бобида бир ҳилда тушунчаю, нуқтаи
назардаги ҳамсоя билан таъмин этади бизни.

Олди-сотди 1803 йили амалга оширилди-ю, бироқ
музофотни ўз ҳукумдори номидан бошқариб турган эҳтиёт-
кор испан губернатори янги ер эгаларининг ҳақ-ҳуқуқини
тап олиш ёхуд ақалли музофотга кириб келинчиларига
руҳсат беришга келаси баҳордагина жазм этди. Аммо
расмий қўлдан-қўлга топшириш ишлари адо этилиши би-
ланок Американинг чекка-чеккаларида ҳаминша тўлиб-ти-
килиниб ётадиган тиниб-тинчимас, жонсарак одамлар
тўдаю оломонлари Миссисиппининг ўнг соҳилидаги чангал-
зор ўрмонларга мўр-малахдай ёпирилди, ёпирилганда
ҳам ўз вақтида қўшларини чарчок нималигини билмай,
Атлантика соҳилларидаги штатлардан Дарёлар Отаси-
нинг шарқий соҳилларига даъват этган бетийнгу бе-
тизгин жасорат-ла олға ташландилар.

Жанубий вилоятдан чиққан беҳисоб бадавлат мустам-
лақачиларнинг ўзларининг янги юртдошлари билан арала-
шиб-қуралашиб кетгунларича озмунча вақт ўтмади ора-
дан; аммо-лекин хийла шимолроқдаги вилоятларнинг
сийрагу камбағал аҳолисини шарқдан қўчиб келаётганлар
оқими гирдоби деярли бир йўла қонига тортиб кетаёт-
ган эди. Дастлабки муваффақиятлардан кейин бу бежило-
ву бетийнқ қўчки тушовлаб-тўхтатилган эди, бироқ
эндиликда туйқусдан янги кучу хуруж-ла тўғону тўсиқлар-
ни бузиб, олға ташланганди. Эпчилу улдабурон бойлик
изловчилар қаршисида ҳаёлий ва ҳақиқий бойликларга
қон ушбу бепоён ҳамда ўрганилмаган ерлар сари йўл

¹ Батъи ҳинду қабилалари тилида Миссисиппини шундай аталади.
Қитобхон агарда Миссури билан Миссисиппини хусусан битта дарё эканини
эсласа, бу дарёнинг аҳамияти, ҳаётда қанчалик муҳим ўрни тутиши
маъносига тушунча чиқариб олади (*муаллиф изоҳи*).

очилганида аввалги сиёжиш чоғидаги машаккатлар, хавф-хатарлар унут бўлди. Оқибат-самара эса, кийинчилигу машаккатлар, янги ши-янги ташаббусни бошлаган халқ қаршисида мафтункор васвасага солгувчи истикбол қад кўтарган чоғлардагидек бўлди.

Ўша йилларда янги¹ деб аталадиган штатлардаги минглаб кекса авлодга мансуб кишилар шунчалар кийинчилик билан қўлга киритилган осуда ҳаёт қувончидан кечиб, Огайо ҳамда Кентукки ўрмонларида тугилиб, шу ерларда балогатга етган ўғилларнио набиралари сафи олдига тушиб, соддагина қилиб айтганда, табиئيо кондош мухит-шаронтни излаб китъанинг ичкарисига қараб йўл бошладилар. Улар орасида тилга олиб ўтганимиз штатлардан кейингисининг оёқ етмаган чангалзор ўрмонларига бир замонлар биринчи бўлиб кириб борган машхур инсон, кекса, ҳеч нимадан тап тортмайдиган ўрмон ўғлони ҳам бор эди. Ана шу довьорак ҳамда ҳурматли зот ўзининг муваффақиятлари буёқларга қорлаган оломонини дарёнинг бериги киргоғида қолдириб, ҳозирда қарама-қарши соҳилга охири марта қўч-қўрони билан сафарга отланган эди, зотан қарор топган ижтимоий турмуш шакл-андозасига солиб «бўғиб» қўйилган эски паноҳгоҳи унинг қўз ўнгида қийматини йўқотган эди².

Одамлар одатда ўрганиб қолганлари туфайли, ё йўлдан ургувчи васваса даъвати ила отланадилар бундай ишларга. Баъзилар тез бойиш умиди нишонлари ортидан қувиб, инсон қадами етмаган ерлардан олтин қони — мўмай даромад дардида олға ташланардилар. Аммо қўчманчиларнинг аксар қисми чўқиндига бой дарё бўйи тупроғи хатто унчалик тер тўқмайдиган қўшчига ҳам сажийлик ила эҳсону тухфа этадиган мўл ҳосилга қаноат қилиб, дарёю сойлар ёқасига жойлашар эди. Шу тарика, сеҳрғарона тезлик билан янғидан-янғи кенту қишлоқлар бунёдга келарди; ана шу бўм-бўш ўлканнинг савдоси қўз ўнгида содир бўлган қимсалардан аксарияти-

¹ Америка иттифокига революциядан кейини қўшилган (Вермонтдан ташқари) штатлар янги штатлар деб аталар эди.

² Кентукки патриархи, полковник Буи ҳақида сўз борапти бу ерда. Мазкур эътиборли ҳамда довьорак цивилизация қашшоғи тўқсон йилки ёшида янги ерларга, Миссисипидан ғарбга томон уч юз миль нарига қўчиб бораётган эди, чунки аҳолининг ҳаддан зиёд қалинлашиб қетгани — бир квадрат милга ўн киши! — уни сиқиб, «бўғиб» қўя бошлаган эди (*муаллиф изоҳи*).

га мазкур мустикалу озод штатнинг (хйла микдорга бориб қолган аҳолиси билан бирга) сиёсий жихатдан тенгхуқуқлик асосида миллий Иттифок бағрига қабул қилинишини кўрадиган қуларга қадар яшаш насиб этди.

Мазкур хикоятимиз саҳифаларида тасвирланган воқеаю манзаралар пировард-окибатда шунчалик тез ҳамда самарали натижа бергувчи фаолият майдонига дастлабки одамлар қўйилаётган кезларда дахлдордир.

Бу ерларга эгаллик ҳуқуқини қўлга киритганимизнинг биринчи йили утиб бормокда эди. Ўрим-йиғим ишлари аллақачон тугаган, у ер-бу ерда ўсган яккам-дуккам дарахтларнинг қовжираган япроқлари аллақай қўзғи тўсга қира бошлаган бир паллада суви қуриб-қакраб ётган дарёча ўзанидан чиқиб келган усти берк соявон аравалар қарвони адиру тепалардан ташкил топган дашт — ёки биз хикоя қилаётган ўлканинг тили билан айтганда «тўлқинсимон прерия» ичкарасига томон йўл олди. Уй-рўзгор қақир-қуқурлари ва дехқончилик қуроллари ортилган аравалар, кичиккина, ҳар тарафга тарқалиб-тўзиб илғарилаётган қўю сийирлар подаси, аста-секин, имиллаб бораётган отлар ёнгинасида одимлаётган азамат йиғитларнинг бепарво-хаёлпариишон юзлари ва эгниларидаги уринган кийимлари — жами ушбу қарвон Ғарбга қараб Эльдорадони ¹ излаб чиққан кўчманчилар қарвони эканидан далолат бериб турарди. Аммо шу тоифадаги одамларнинг одату таомиллари акси ўларок булар Жануби-Шарқдаги серҳосил ерларни ташлаб, жарлигу тепаликлардан ошиб, айқириб оққан дарёю сойларни кечиб, ботқоғу қакрок даштлар оша (қандай қилиб, бу янги сўқмоқларни излайдиган худди шундайин жасуру довжорак изловчиларгагина аён) одамлар жойлашган жойлардан олис-олисларга йўл солгандилар. Қаршиларида токи Қояли тоғлар этагига қадар чўзилиб кетган, туси-қўриниши бир хилдаги чеки-чегараси йўқ текислик ястаниб ётарди; улар билан айқириб оқувчи шиддаткор Платтин талай миллар узундан-узоғу дахшатли масофа айириб турарди аллақачон.

Мазкур мунгину хувиллаган ерда бундай қарвонни қўриш сира хаёлга келмаган ҳол эди, зотан атроф-теварак табиати, ҳарис савдогарнинг юҳо иштаҳасини қондирадиган камдан-кам тухфа эҳсон эта олар, янги кўчиб келади-

¹ Эльдорато — муъжизалар, қимматбаҳо нарсаларга бой афсонавий жой.

ган оддий фермерга эса ундан ҳам камрок нарсани ваъда қила оларди.

Нимжону сийрак гиёҳлар ғилдираклар энгилгина ғилдираб бораётган сополакдек қаттиқ дашт тупроғининг қандайини «орик»лигининг шаҳодати эди; на аравалар, на чорванинг изи қоларди унда — жониворлар эринибгина чимдиб, гоҳо-гоҳо эса, оч қолган чоғда ҳам еб бўлмайди-ган қакра озуқадай, тумшугининг ҳам теккизмай ўтаётган қовжироғу сийрак гиёҳлардагина из қоларди, холос.

Бу доворак, тавваккалчи валломатлар қайққа кетяпти ўзи? Шундай олису овлоқ жойларга етиб олгач, қай бир пинҳоний сир-синоат бонсидан ўзларини беҳатару беҳавотир ҳис этаётгандай туюлишяпти асти? Шу топда уларни қўрганнингиздами, заррача ташвиш, иккиланиш ёхуд хавфсираш аломатини пайқамасдингиз уларда. Хотин-халажу болаларни қўшиб ҳисоблаганда улар йиғирма кишидан ортиқроқ эдилар.

Буткул қиёфасию гавдаси, туриш-турмуши мазкур туданинг раҳнамоси эканини айтиб турган қимса бошқалардан бирмунча илгарирокда боряпти. Бу баланд бўйли, офтобда тобланган, ёши кексароқ одам эди, сиртдан қараганда у шалвираган ва букчайганроқ қўринадую, аммо яғриндор, аслида девдай бақувват эди. Гоҳ-гоҳидагина, йўлида баногоҳ бирорта кичик тўскинлик пайдо бўлиб қолган пайтларда, ҳозиргина суеткашу шалвирагандек туюлган одим ташлашида ўша захотиёқ жисми-вужудда пинҳон ётган мудроқ ва бесўнақай, аммо даҳшатли фил қудратидай бекиёс ғайрату шижоат пайдо бўларди. Башараси тупори, оғиз бурчакларидаги чизиклар чуқур ботган, ияги гуштдору тўмтоқ, маънавий қиёфамизни акс эттириб туради деб саналгувчи нешонаси тор, қиятобу энсиз.

Бу кишининг устидаги энгил-боши қурама: дағал жун матодан дехқонча қамзул-чолвор, унга — қўчманчи сафарга чиққанида қулайлик ва замона бичиму таомилни такозо этадиган зарурий аломатлар — чарму қўн буюмлар қўшилган. Ана шу олақуроқ либосга безак сифатида баъзи бир антиқаю ўхшовсиз нарсалар билан зеб берилган. Белига одатдаги бугу тери тасма ўрнига асли тусини англаб бўлмайдиған, ўнгиб кетган ипак бўйинбоғ боғлаб олган; сувсар телпагининг мўйнаси шунчалик майини барок, нақ маликалар қийса арзигудек эди: беўхшов ва яғирни чиққан сертук мовут қамзулида мекенка тиллосидан ясалган тугмалар йилтилларди; милтигининг қўндоғи

аъло нав кизил дарахтдан чопилиб, худди ўша киммат-баҳо дарахт ёғочидан чегаю халкача-гардишлар билан маҳкамланган; бу девкомат одам яғриндор кўкрагига арзон-гаров, жевак-занжирли соатларин — учтадан кам эмас — осиб олибди пасту баланд қилиб. Елкасига милтигин билан бирга ёрилиб кетгундай даражада ўқ жойланган ва ниҳоятда эҳтиётлаётган сумкаси, милтиқдори жойланган мугузига қўшимча ўткир ҳамда япаски болтани ҳам ташлаб олганди. Ана шу юк билан у ҳеч нимасиз, қуруқ ўзи кетаётгандай енгил, бемалол одимлаб борарди.

Бу кишининг ортида, пича кейинрокда, худди шундай кийинган, бир-бировларига ва етакчиларига шунчалар ўхшаш бир неча ўспирини тўдалашиб келишардики, уларнинг бир онла аъзолари экани отнинг кашкасидай кўриниб турарди. Гарчи улардан энг кичиги қонуннинг оқилона ҳукми-амоли бўйича одамга ақлу ҳуш қирадиган ёшга етиб улгурган-улгурмагани қоронги бўлса-да, ҳар қалай у ўз қавми насабига доғ туширмаган, бўй-басти бошқаларидан заррача қолишмасди. Дарвоқе, тўдада бўлакча бичимдаги одамлар ҳам бор эди-ю, бироқ уларни кейинрок ҳикоятимиз давомида тасвирлаб берамиз.

Карвоннинг олдида келаётган биринчи аравадан оқнар қўнғирок сочили, кўзлари хаяжону қизиксиниш-ла чакнаётган оқ-саригу бугдойранг юзчалардан талайгинаси мўралаб-мўралаб қўяётган бўлса ҳам, катта ёшдаги аёллар икки нафаргина эди, холос. Бу икки катта аёлдан бири — ҳаммаёгини ажин босган, сўлгини — тўданинг аксар қисмини ташкил этган кизалоқлару ўспиринларнинг онаси эди. Ёши кичикроғи — қўл-оёғи чакқон, ўн саккиз яшар қувноқ киз бўлиб, турки-таровати, енгил-боши ҳам, хатти-харакати ҳам, бари унинг жамоат биллапоясидаги ўрни кўзимиз ўнгидаги ҳамроҳларининг жамидан бир неча поғона юкорирокда эканини яққол айтиб тургандек эди. Иккинчи соябон араваининг икки биқинидаги нарусина ёпқичлари тараф тортиб беркитилган, ичида нима борлигини киши кўзидан таҳ-батаҳ яшириб турарди. Қолган араваларга қўполдан-қўпол жиҳозлар ва инининг истаган фаслию хоҳлаган соатида яшиб турган жойини ташлаб, олис сафарга отланишга тайёр хонадон эга бўла оладиган бўлак ўй-рўзгор қақир-куқурлари ортилган эди.

Карвоннинг кўринишида ҳам, эгаларининг киёфасида ҳам, чамаси, мамлакатнинг ҳамма нарсаси ўзгариб турадиган, ҳамма нарса ҳаракатда бўлган катта йўлларида

кун-бакуи учрайдиган манзарадан фарқ киладиган жиҳати кам эди. Бирок улар бостириб келаётган ушбу жойларнинг ўзига хослиги ва кимсасизлиги кўчманчиларга аниқ-равшан ёввойилик ҳамда хатарли таваккалчилик тамгасини босган эди.

Чоккина-чоккина водийларда (текислик тузилиши жиҳатидан асли шундай эдики, ҳар бир миль масофада ушандай жой учраб турарди йўлчиларга) теварак-атрофдаги кўринишни икки бикидан нишобу кня тепалар тўсиб кўярди, — шу сабабдан ҳам мазкур тусдаги прерия «тўлкинсимон» деб ном олганди, — қолган икки томонга қараб эса у ер-бу ерида хийла калин, майин ўт-ўлан жон бахш этиб турган камбаргина пастлигу сойликлар мунгин чўзилиб кетарди. Бикиндаги адир кифтига етгач эса, ўзининг бир хилдалигию дилларга кутку соладиган хазинлиги ила кўзни толдирадиган манзара намоён бўларди. Ер бу атрофларда ҳали-ҳозирча тиниб улгурмаган бўроннинг шиддаткор хуружидан сўнг тўлкинлар силсиласи вазминона сапчиб, мавж ураётган умонни эслатади: бир зайлда мавж ураётган яланглигу бир хилдаги кўз илғай олмайдиган бепоён кенглик. Дарҳақиқат, икки сахро — сув билан ер орасидаги ўхшашлик шунчалар танг қоларли эдиким, мазкур фаразия геологга қанчалик қулгили кўринмасин, шоир текислиكنинг бундайин ғаройиб тузилишини беихтиёр ана шу икки унсур салтанатининг ўрин алмашуви деб тушунтиргиси келиши тайин. У ер-бу ерда пастлигу сойликлар туби-қаъридан яланғоч шох-бутоқлари тарвақайлаган баланд дарахт бамисоли якка-ёлғиз кемадай бўй кўрсатиб чикиб келаверади; яъна ушбу авлодин тасдиқлаётгандек, ғира-шира олисликларда, уфқ сарҳадида ям-яшил, юмалоқ ва ясси шаклу шамойилдаги дарахтзор пайдо бўлади, уни ҳудди уммон ўртасидаги орол дейсиз. Мабодо китобхон кўпни кўрган одам бўлса, унга манзаранинг бир хилдалиги масофани узайтириб юборажагини — айниқсанги паст нуктада туриб олга боққанингда — айтиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ; аммо, тепа ортидан — тепаю адир, орол ортидан орол оша «сузиб» борар эканлар, токи ғаллакорнинг ақалли энг оддий, энг камтарона орзу-истаклари рўёбга чиққунича олисдан-олис, афтидан, поёни йўқ қуруқлик минтақасини босиб ўтишларига тўғри келадиган кўринади чоги, деган андуҳлию аянчли ишонч мустаҳкам қарор топаверади.

Шунга қарамай, кўчманчилар раҳнамоси сабот-ла

йўлда давом этар, ёлғиз куёшгагина караб, маданий олам кенту кишлоқларига тамомила терс ўғирилганча, одим сайин мамлакат бўйлаб ичкарилаб, овчи-хиндулар кучиб юрадиган жойларга томон борарди. Лекин бу орада кеч кириб қола бошлаган, унинг миясида, эҳтимолки ушбу соатда талаб этиладиган эҳтиёт чораларидан булак тadbир-чораларнинг муқобилу уйғун тизмасини тузиб, уларни пишиштишга ноқобил ақлу онгида ҳар қалай бир ташвиш: қаерда тунасақ буларкин деган ташвишди ўй ўйғонди.

Бошқаларига қараганда хиёл баландрок тепа устига чиқиб, бирон дақиқа туриб қолди, кизиксинганнамо бир кийёфада ўнгу сўлига нигоҳ ташлади, барчага маълум белгиларга караб атрофни назардан ўтказаркан, уч муҳим шай — сув, ёкилғи, молга озука мавжуд жойини излади.

Бу уриниш, кўриниб турибдики, муваффақиятсиз чиқди чоғи, нега деганда, бир неча сониялик наридан-берин ҳамда бепарвою беҳафсалагина кузатишдан сўнг девқомат етакчи киялама ёнбағирликдан, устига оғир юк ортилган сўқим мисоли, эринчоқлик ила имиллаб пастга туша бошлади.

Ҳар қайсилари ўз навбатида атрофни худди ўшандай кузатган ўспиринлар жуда унақанги хаяжонланмадилар-ў, лекин уларнинг нимагадир хийла кизиксинганлари кўришиб турарди, шундай бўлса-да, ҳаммалари — алп-қомад кимсанинг кетидан келаётганларнинг бари индамай унга эргашди. Жониворларнинг ҳам, одамларнинг ҳам имиллаб ҳаракат қилаётганларидан зарурий дам олиш фурсати яқинлаб қолгани равшан эди. Пастлигу сойликлардаги бутасимон ўт-ғиёҳлар йўл босишга ҳалал берар, чарчоклари зўрайгани сайин уларни оралаб бориш қийинлашар эди; шу бонедан камчинни тобора тез-тез ишга солишга тўғри келаётганди — акс ҳолда аравага қўшилган отлар бўёғига юрмай қўя бошлаган эди. Мана ниҳоят раҳнамоларидан булак ҳаммаларини чарчок исканжага олган бир пайтда бутун қарвон тўсатдан пайдо бўлган ногаҳоний ҳамда қутилмаган манзара рўбарўсида такка тўхтади-қолди.

Куёш ҳамнишагидек ортида ловиллаган, энли нур тасмаларини таратиб, энг яқиндаги «тўлқин» ёли ортига шўнғиб улгурганди. Бу ловиллаган ўтли оқимнинг қок ўртасида одам шакли-тарҳи пайдо бўлган, у кизғиш нур жиллоларига йўғрилган сахнада шунчалар аниқ-тиник кўзга ташланиб турардики, қўл узатсанг — унлаб бўлади-

гаидек туюларди. Бу қад-қомат ниҳоятда бахайбат эди; шу топдаги ҳолати ғам-ғусса ва ўй-хаёлга чўмишдек аломатни нфода этиб турарди; ҳа, у одамлар қаршисида, нақ йўлчиларнинг йўлида турарди. Аммо-лекин нурдан бунёд бўлган ёрқин гардиш ичида унинг ҳақиқий ҳажми-тарҳини билиб-аниқлашнинг илож-имкони йўқ эди.

Ушбу манзара кўрсатган таассурот бир оний ва қучли бўлди. Қўчманчилар раҳнамоси такка тўхтаб, сирли жонзодга ғайриихтиёрӣ қизиксиниш-ла тикилиб қолди, тезда бу туйғуси хурофӣй ваҳимага айланди. Ўғиллари хаяжонларини босиб олганлари ҳамоноқ аста оталари атрофида давра қурдилар; от-уловларини бошқараётганлар ҳам етиб келишгач эса, бутун қарвон унсиз ҳамда хайратга тушган ягона тўда бўлиб тўпланди. Сафарчиларнинг бари яқдиллик ила, қаршимизда қандайдир ғайритабӣий нарса турибди, деган хаёлга борган бўлсалар-да, ўша заҳотиёқ милтиқ затворларининг шиқирлагани эшитилди, ўспиринлардан икки ёхуд уч энг довурағи эса қуролларини отишга шайлаб ҳам улгурган эди.

— Болаларга буюр, ўнг томондан айланиб ўтишсин! — катъӣй оҳангда, хирилдоқ овоз билан шангиллади она. — Эйза ёки Эбнер унинг қанақанги махлук эканини билиб келишар балки.

— Олдиниға ўқ билан пайпаслаб кўрилса ҳадал бермас-ов, — дея тўнғиллади биринчи бўлиб сўз бошлаган аёлга жуда-жуда ўхшаб кетадиган одам; айтган сўзларини ҳаракати билан тасдиқлади у: милтиғи қундоғини елкасига тираб, мўлжалга олишга тушди. — Айтишлари-ча, бу пасттекисликда Бўри-пауна қабиласидан юзлаб овчилар санжиб юришармиш. Агарда ўшалардан бирортаси отиб қулатилса, қабиладошлари яқин-орада пайқай олишмас-ов буни.

— Тўхтанглар! — деган оҳистагина нидо эшитилди, бу нидо икки аёлнинг ёши кичигининг титроқ лабларидан «учиб чикканини» англаш мушкул эмасди. — Хали ҳаммамиз бу ерга тўпланиб улгурганимиз йўқ-ку, бу, эҳтимол, дўстимиздир!

— Айғокчилик қилаётган ким экан бу ерда? — дея ўшқирди ота ва азамат ўғиллари тўдасига қараб дарғазай олайиб қўйди. — Бас қилинсин деяпман, бас қилинглар тўнғиллашда давом этди у ва девмонанд бармоғи ила ўз хешининг мўлжалга олган милтиғини ғуртиб юборишунда нигоҳи у билан талашиб-тортишмаган маъна эканини айтиб турарди.

етказганимча йўк, кўй, уни тинчгина охирига етказайлик.

Бундай жангариликни намоиш этган одам, кўрниб турибдики, етакчининг шамасини фаҳмлади ва фикр этмай итоат қилди унинг амрига. Ўғиллари киздан нега бундай деётганини тушунтириб беришини кутиб иккиланиб туриб қолдилар: аммо киз гўёки анави нотаниш кимса учун мухлат олгани — яъни ўқ узишларини пича кечиктиришга муваффақ бўлганидан қапоатлангандек қиёфада ўз ўриндигига чўкди ва кизларга муносиб тарзда камсукумлик-ла индамай кўя қолишни маъқул кўрди.

Бу пайтда осмоннинг туси муттасил ўзгара борарди. Кўзни камаштиргувчи ёркинлик анча хиралашиб, қундалик оддий ёруғлик-ла алмашинган шафак яллиғи сўна боргани сайин афсонавий жуссанинг ҳажми-тархи кичрая борди-ю, ахийри аниқ бир шаклга кирди.

Кўчманчилар рахнамоси энди — ҳақиқат аён бўлгач — ўзининг иккиланиб, тараддулланиб қолганидан хижолат тортиб, олга қараб юрди; бироқ қия ёнбағирликдан қуйилиб борар экан, ҳар қалай у ўз хавфсизлиги чорасини кўрди: милтиғини елкасидан олиб, отишга шай тутган қўйи одимлайверди.

Аммо бундайини эҳтиёткорликнинг зарурати йўқ эди. Ўша само билан замин оралиғида шунчалик ақл бовар этмайдиган нотаниш кимса гавдаси пайдо бўлган сониясидан бошлаб ақалли бирор марта қилт этиб қимирламади ҳам, бирон-бир адовату рақибона ҳаракат нишонасини кўрсатмади ҳам. Бордию дилида ёмон нияти бўлган тақдирда ҳам, бари бир уни амалга ошириш учун қуч-қуввати етмаган бўларди.

Саксондан зиёд қиш машаққатини бошдан кечирган бир одам бизнинг кўчманчимиздек девкор паҳлавон кўнглида хавфу хатар ваҳимасини уйғотиши мумкин эмасди. Лекин, ёши бир жойга бориб етганига қарамай ҳали мўнқиллаб қолмаган, фақат вужуди қуриб-қовжираган бу сўққабош қариянинг нимасидир жисмини дарду касалликлар эмас, балки вақт ўзининг вазмину чайир панжалари ила эзгиланганини яққол айтиб турарди. У қуриб-қовжираган кўринар эди-ю, аммо қуч-қувватдан қолмаганди асло. Бир замонлар зўр қучга эга бўлган мушаклари ҳали-хануз сезилиб, кўзга ташланиб турибди; бутун туриш-турмушию қиёфаси шунчалик сабот-матонатдан дарак бериб, шундай таассурот туғдирадими, мабодо инсоний бебақолик — одамнинг бу дунёда омонат эканини унута турилса, чамаси унинг танаси бундан-буён ортик

нутурдан кетишликка бўйин бермайдигандек туюларди. Чол эғидаги кийимнинг аксар қисми мўйнаси сиртга ағдариб тикилган теридан эди; елкасига питра солинадиган турва билан милтиқдорили мугуз тасмалари тақинлик; эгаси сингари узок ҳамда машаққатли умр кечиргани равшан, кўришиб турган оддий қуролдан хийла узун милтиқига таяниб олган эди.

Сафарчилар танҳо қарияга чақирса овоз етгудек масофада яқинлашганларида чолнинг оёқлари остидаги ўт орасидан охиस्ताгина ириллаш эшитилди-ю, гнёҳлар ўстида ётган бўйи баланд, орик, тишсиз ит эришибгина ўришдан туриб силкинди ва баншарти янаям яқинроқ келинадиган бўлсалар қаршилик кўрсатиш ниятида эканини намоён этди.

— Ёт, Гектор, ёт! — деди эгаси қарияларга хос дирил-док товуш билан. — Ўз ишлари билан тинчгина кетаётган одамларга тиргалиб нима қиласан, жонивор?

— Қария, агарда бу ўлка билан таниш бўлсанг, — дея гап бошлади етакчи, — кўчиб юрган одамга тунаш учун зарур нарсаларни қаердан топса бўлишини айтиб беролмайсанми?

— Нахотки Катта дарёнинг нариги ёғидаги ерлар торлик қилиб қолган бўлса? — деб асосли равишда сўради чол, худди ўзига берилган саволни эшитмагандай. — Агарда ундок бўлмаса, нимага энди яна бир бор кўришни ҳаёлимга келтирмаган нарсани кўриб турибман?

— Йўқ, ростини айтганда, пулдорлару туפורи табиат одамларга уёқда ер етарли ҳали, — дея жавоб қилди қўчманчи. — Лоқин, менинг таъбимча, уёқда одам ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Сенингча бу ердан Катта дарёнинг энг яқин бурилишигача тахминан қанча келади?

— Таъкибга учраган бугу Миссисипида чўмилиб танасини совутганича беш юз машаққатли милдан кам олиб-югурмайди.

— Бу атрофларни нима деб айтасан сен?

— Хув анави булутни кўряпсанми, ўша жойини сен ўзинг нима деб атаган бўлардинг? — жавоб қайтарди чол таитанавор қиёфада бармогини хаволатиб.

Қўчманчи худди тушунмагандай ҳайрон бўлиб алаңлади ва устидан қуялптими деган шубҳага борди-ю, лекин:

— Қараб турсам, бу ерлар масаласида мендан фарқинг йўқ кўринадн, яқинда келганга ўхшайсан, йўқса бировга маслаҳатнинг билан ёрдам бермасмидинг: курук сўзининг сарик чақалик қиймати йўқку-я, аммо баъзида

нафи тегиб қолиши ҳам мумкин,— дейиш билан чегараланиб қўя қолди.

— Маслаҳат — совга эмас, балки қари одам ёшларга тўлайдиган қарз. Хўш, нимани билмоқчисан ўзи?

— Тунагани қаерга қўнсам бўлади? Емишу қўрпа-тўшак маъносида қаноатлиман, танлаб утирмайман; локин менга ўхшаган қўлни қўрган ҳар бир саёҳатчи чучук сув билан мол учун бўлик, ширадор ўтнинг кадркийматини билади.

— Унда ортимдан юр, унисиям, бунисиям измингда бўлади; ушбу дашти биёбонда бунга қўшимча яна ниманиям таклиф эта олардим.

Чол шу сўзларни айтиб, ўзининг узундан-узун милтигини унинг ёшидаги одам учун диққатга сазовар бир енгиллик-ла қифтига олди-ю, бўлак бир оғиз ҳам гапирмай, келгиндиларни ясси адирликдан қўшни сойлик томон эргаштириб кетди.

И б о б

Мапа — қодир! Шунда тунарман
Эртага-чи, қайда? Барибир.

Шекспир. «Ричард!!!»

Сайёҳлар ҳадемай одатдаги ва беҳато белги-аломатлардан манзил қуриш учун зарурий шарт-шаронтлар яқингина жойда мавжуд эканига ишонч ҳосил қилдилар. Қиямаликда мусаффо сувли, биқирлаб қайнаб турган булок бор бўлиб, хиёлгина наридаги худди ўзига ўхшаган чашмага қўшилиб оқим пайдо қиларди, унинг нами шарофати ила у ер-бу ерда гуркураган бутаю гиёҳларга қараб қўз прерия бағридаги оқим йўлини бир неча милаб нариларигача осонгина илғаб оларди. Нотаниш чол ўшokka қараб бораётганди, отлар эса юқларини бараварига тортганча унинг орқасидан олга интиларди, сабабки, тугма сезгилари шу ерда ўзларини мўл-қўл озуқаю дам олиш кутаётганини айтиб турарди.

Чол қулай жойга етгач тўхтади, оғиз очмай, қўчманчилар раҳнамосидан зарур нарсанинг бари мавжуд эканини бу ерда, дея сўради қўзлари ила. Етакчи унинг бу савол назарини фаҳмлади ва сойликни билимдон кишининг синчков нигоҳи-ла назардан ўтказди. Одатий вазмину оғирқарвонларча қилиги хануз тарк этмаганди уни.

— Ха, чамамда тўғри келади-ёв, — деди у ниҳоят, кузатишдан каноат ҳосил қилиб. — Болақайлар, офтоб боғиб бўлди, тезроқ кимирланглар.

Ўспиринлардан ҳар қайсиси ўзича итоат этди бу амрга. Буйрукота ўз сўзларини буйрук оҳангида айтди — эҳтиром-ла қабул этилди; бироқ ҳеч ким ишга киришишга шошилмасди. Тўғри, кифтлардаги икки-учта болта таппатанга ерга тушиди-ю, лекин эгалари ҳалигача атроф-теваракка аланглашарди. Бу орада раҳнамолари, ўғилларининг хулқи-табиатига қўниқиб кетган чоғи, кифтидаги милтиқ ва юкларини ерга ташлади-да, юқоридан бизга таниш одам — боя зўр бериб қуролни ишга солишга интилган одам билан икковлари бафуржа отларини аравадан чиқаришга киришишди.

Ахйир ўғилларидан тўнғичи гурс-гурс одимлаганча олдинга ўтди-да, афтидан сира қийналмай, болтани бир зарб билан азамат терак танасига токи муҳрасигача санчди. У ўз зарбаси самарасини кутиб нописандона бокканча бирон дақиқа туриб қолди. Баҳайбат паҳлавонгина митти одамнинг чумоли чаққанчалик ожизона қаршилигига ана шу таҳлит боқини мумкин эди. Кейин болтани синашта қиличбоз ўзининг асил, аммо бунчалик фойда келтирмас қуролни селлигани янглиғ боши узра чиройли ҳамда енгил бир ҳаракат-ла ўйнатганча зумда терак танасини чўрт кесиб, қўқин бўйлаган мағрур бошини ўз оёқлари остига қўйишга мажбур этди. Бошқалари токи дарахт чалқанчасига қулагунича бепарво, юзак қизиксиниш-ла кузатиб туришди-да, теракнинг қулашини умумий ҳамлага ишора деб билиб, ҳаммалари бараварига ишга ёпишишди. Улар ўрганмаган кўзларини ҳайратга солгувчи аниқлигу, чапдастлик ила ўзларига зарур чоғроқкина майдончани дов-дарахтдан шунчалик тез ва тап-тақир қилиб тозаладиларки, бамисоли бу ерни довул шипириб ўтгандек бўлди.

Нотаниш чол уларнинг ҳаракатини унсиз, аммо диққат-ла кузатарди. Болталарнинг чувиллаган садоси остида дарахтлар бири кетидан иккинчиси қуларкан, у осмон сари янгитдан очилган янги тирққшга ғамгин қараб қўяр эди, охири — гўёки норозилигини эшиттириб, айтишни ўзига муносиб кўрмагандай — димогида алланимадир деб гўлдираганча, аламзада жилмайган қўйи тесқари ўғирлиб олди. Сўнгра елиб-югуриб ишлаётган, аллақачон гулханга ўт қалаб юборган қизлар тўдаси орасидан ўтиб бориб, қўчманчилар раҳнамоси билан унинг бадқовок ёрдамчисини кузата бошлади.

Улар икковлашиб аллакачон аравадан чикариб бўлган отлар кулатилган дарахтларнинг куврак, ширадор барглариини юлкиб-кавшашга тушиб кетганди, шу топда икковлон ичидаги юки, юкорида айтиб ўтганимиздек, бегона кўздан гоятда сир тутилаётган арава билан банд эдилар. Гарчи мазкур арава ичи қолган бошқалари сингари жимжит, гўёки унда ҳеч ким келмаётганга ўхшаса-да, икковлари уни ғилдирагидан итариб ўрмончанинг чеккасидаги курук, баланд ерга олиб боришди. Улар, кўришиб турибдики, анча олдиндан шу максатда ҳозирланган бир нечта таёкни келтиришиб, йўгонроқ учини ерга хафсала билан қадаб, ингичкароқ учини парусин ёриқларини кўтариб турган халка-гардишга маҳкамлашди. Кейин парусин ёпиқнинг кат-кат килиб тахлаб арава ёндорига кистирилган учини бўшатиб, уни таёк билан баланд кўтаришди, этагини эса козникчалар ёрдамида ерга маҳкамлашди, шу тариқа хийла кенг-мўл ва ниҳоятда қулай чодир тикланди-қолди. Улар гоҳ бир ердаги тахи-катини тўғирлаб, гоҳ бирон козникчани маҳкамроқ қокиб, қилган ишлари самарасини синчиклаб, ишжиклик билан кўздан кечириб бўлгач, чодир ичидаги унча-мунча енгил жихозлардан бўлак ҳеч қандай юки йўқ арава ўз соябон-ёпиғидан халос бўлиб очик ҳавога чиккунча шотисидан ушлаганча тортаверишди. Ундаги жихоз-мебелни тўда раҳнамоси ўша замонок ўз қўли билан (гўёки ичкари кириш ҳатто унинг ишончли дўсти билан ҳам баҳам кўрилмайдиган алоҳида бир имтиёздек) чодирга элтиб қўйди.

Синчковлик шундай бир майлу иштиёкки, узлатда яшамоклик уни сўндирмайди, аксинча кучайтиради, шу бонсдан ҳам кекса даштү биёбон истиқоматчиси беихтиёр унинг даъватига учиб, бу синоатли эхтиёткорлик тарадудини кузата бошлади. У чодирга яқинлашиб, очикдан-очик ичида нима борлигини аниқ билиш ниятида энди ёпиқ барини сурмоқчи бўлиб турган пайтда чолиннг жонига аллакачон бир марта касд қилишга улгурган киши қариянинг қўлини шаппа ушлади-ю, куч билан кўришини қўйган тусаб қолган жойдан нари силтаб юборди.

— Оламда битта ҳалолу адолатли конда бор, ошнам,— деди у куруккина аммо кўзлари дағдағали чакнаб,— гоҳо эса жонга ора кириб, кишини фалокатдан қутқариб қоладиган, яъни масалан: «Бировнинг ишига тумшугинг-ни сукма», деган.

— Бу даштү биёбонга одамлар сир тутиб, яширадиган нарсани камдан-кам келтирадилар,— дея эътироз билдир-

ли чол, худди қилиб қўяёзган бебошлиги учун ўзини оқлагандек бир оҳангда. — Нарсаларингга бирровгина қўз ташласам, бу сизларни ранжитади-ку, деб ўйламабман сира.

— Менимча, буёқларга умуман кам келади-ёв одам. Ўзи кўхна ўлка кўринадику-я, лекин, қараб турсам, яшайдиган аҳолиси йўқ ҳисоби.

Бу ерлар, ўйлайманки, халлоки олам яратган бўлак жамини мавжудотдан ёш ҳам, кекса ҳам эмас; унда истикомат қилувчилар хусусига келганда эса, тугри пайкабсан. Мен талай ойлар мобайнида, токи сизлар билан учрашмагунимча, туси ўз тусимдаги одамни кўрмадим. Сенга яна бир қарра айтиб қўяй, дўстим: ҳеч қанақанги ёмон ниятим йўғийди, бу нарсани чодир остида ўтмиш кунларимни эсга соладиган бирон нарса бўлса керакдир, деб ўйлагандим ҳолос.

Нотаниш чол ана шу жўнгина тушунтириш сўзларини айтиб бўлгач, ҳар бир кимса ўз бойлигидан ҳамсоясининг безорижон қилувчи аралашувисиз бемалолу хотиржам фойдаланиш ҳуқуқига эга эканини белгилайдиган қонуннинг туб маъною моҳиятига тушуниб етган одамдек, жимгина нари қараб юраверди. Қўчманчиларнинг чокқина қароргоҳига яқинлашаркан, сайхонлик чиндан ҳам қароргоҳ тусини олганди, — у етакчининг баланд, дўрилдоқ овоз билан:

— Эллен Уэйд! — деб чакирганини эшитди.

Ўқувчини юкорида таништирилган, кампир ва унинг қизлари билан гулхан ёнида қуйманаётган қиз чакирикка қувноқлик-ла жавоб берди-да, чолнинг ёнгинасидан оҳудайин чакқонлик ила лип этиб ўтиб бориб, зумда ўша дахлсиз парда ортида гойиб бўлди. На қизнинг баногоҳ гойиб бўлиши, на чодир тикишдаги шубҳали ҳаракатлар бошқаларнинг бирортасида заррача бўлсин таажжуб тугдирди денг. Дов-дарахт кесини бажариб бўлган ўспиринлар болталарини қўйиб, яна одатий бепарволигу суеткашлик билан бўлак ишга тутиндилар: қимдир молга овқат солар, қимдир зиядай ўғирда жўхори туярди; икки ёки учталари бошқа аравалар атрофида гимирилашибарди: уларни нари-бери гилдиратиб, аслида ҳеч нима билан ҳимояланмаган, тевараги оппа-очик қароргоҳ теграсида лоақалгина омонат тўсик ҳосил қилиш ниятида қатор тиза бошлашди.

Бу ишларнинг бари тезда тугатилди ва теварак-атрофни қўршаган даштнинг қоронғи боса бошлагани туфайли

дам олгани тўхтатилган дастлабки дақиқаданок шангиллаб, беғам ўғилларини кичаб турган вайсаки кампир, овозини олисдан эшитиб қолишларидан эҳтиёт бўлишни хаёлига ҳам келтирмай, баралла шангиллаб, овқат пишганини, ҳурандаларга мунтазир эканини хабар қилди. Чегара минтақасида истикомат қилувчининг бошқа хислату фазилатлари қандок бўлса бўлаверсин-у, лекин у камдан-кам ҳолда меҳмондўстлик таомилига чап беради. Аёлнинг шанги овозини эшитиб-эшитмаёк қўчманчилар раҳнамоси ўзлари бунчалик такаллуфсизлик билан чорланаётган дастурхон тўрига таклиф этиш ўйида қўзлари ила нотаниш чолни излай бошлади.

— Раҳмат, дўстим, — деди чол лик тўла қозонга яқинроқ ўтир дейилган дағалроқ таклифга жавобан. — Чин юракдан ташаккур. Бугун етарлича овқатланиб олганман, ҳўш деганингдан, мен унақанги тишлари билан ўзига-ўзи гўр қазийдиган хилиданмасман. Агар шуни хоҳлаётган бўлсанг, майли, сизлар билан гулхан ёнида жон-жон деб ўтираман бирпас, нега деганингда, терисининг туси ўзимники билан бир хил одамларнинг қандок тамадди қилишларини талай вақтлардан бери қўрганим йўқ.

— Демак, сен, бу ерларда ўрнашиб олганингга кўп бўлибди-да? — қўчманчи сурашдан кўра кўпроқ таъкидлади оғзи тўла жўхори бўтка билан; турки совуқлигига қарамай қўли гўл пазанда хотини «сайратиб» юборган эди бўтқани. — Бизга уёқда, шарқда, қўчиб борганлар деярли учрамайди дейишганди бу ерда, шуни айтиб қўяйки сенга, ўша узунқулоқ гаплар умуман тўғри экан, чунки, агарда Катта дарё бўйлаб учрайдиган канадалик савдогарларни ҳисобга олмасак, беш юз милдан ортиқ йўл босиб мен учратган биринчи оқ танли одам сен бўласан: сенинг ҳисобингча ҳам худди шундок чикяпти чоғи.

— Бу атрофларда бир неча йил умр кечирган бўлсам ҳам, мени шў ерлик бўлиб қолди дейиш кийини. Муқим турадиган бошпанам ҳам йўқ: бир жойда сурункасига бир ойдан ортиқ камдан-кам туриб қоламан.

— Нима, овчимисан дейман? — қўчманчи сўроқни давом эттирди ва гўёки танишининг керак-яроғини текшираётгандай кўз қирини ташлаб қўйди. — Бунақанги қасб-қорға кўпдаям бошта қўринмайди қўролинг.

— Худди эгасига ўхшаб қариб қолган, буям аллақачонок истеъфога чиқиши керак эди, — деди чол ва милти-

гига меҳру афсусланиш туйгулари коришик галати бир нигоҳ-ла караб қўйди. — Яна шунн айтиб қўяйки, бунинг жудаям зарурати йўк. Мени овчи деб атаб хато қилдинг, ошна. Мен бор-йўғи трапперман, холос.

— Кўпроқ трапперлик қилсанг ҳам, бари бир сен, демак, жиндек овчи-сайёд ҳамсан, дейишга журъат этаман бемалол, чунки бу жойларда ҳар иккала ов тури ҳаминша бир-бири билан боғлиқ.

— Ҳали бу иккала ов туридан аслоғи билан шуғулланишга куч-қуввати етадиган одамнинг орият-номусига зид ўларок, деган бўлардим мен! — дея эътироз билдирди траппер, касб-кориға биноан уни бундан-буён шундай деб атаймиз. — Ярим асрдан мўлроқ вақт қўлда қурол билан чангалзор ўрмонларни кездим-у, лекигин шуёкка келгунимча пешонасига тўрт нафар оёқ битилган жониворлар ўёқда турсин, ҳатто қўлда парвоз қиладиган паррандани тузоқ қўйиб овламагандим ақалли бирон марта.

— Менимча эса, мушани қурол билан қўлга киритиладими ёки қопқон биланми, фарқи унчалик кўп эмас, — гап сўқди кўчманчилар етакчисининг бадқовоқ ёрдамчиси. — Ер бизнинг эҳтиёжимизни қондирмоқлик учун яратилган, демакки унда яшовчи жамикки маҳлуқот ҳам.

— Қария, шунчалик олис ерларга етиб келибсан-у, илло орттирган нарсангни мазаси йўқ қўринадими наздимда, — дея ўртоғининг сўзини оғзидан олди етакчи, чамаси қандайдир ўзига аён важдан суҳбат мавзусини ўзгартирмоқ истагида. — Мўйна хусусида ишинг чаккия-масдир лоақал?

— Нима, одам-жаҳонча керакмиди менга? — хотир-жамгина қаршилик билдирди траппер. — Менинг ёшимдаги одамнинг тилаги нима? Қорни тўқ, усти бут бўлса бас-да. Пулни эса бу ерда менга деярли кераги йўқ, фақат вақти-вақти билан мугузимни милтиқдорига тўлатиб, қўргошини ғамлаб олишимга етса кифоя.

— Демак, сен, ошна, асли бу ерлик эмас экансан-да, — сўзини давом эттирди келгинди, ичида суҳбатдошининг «орттирган нарсанг» деган, у яшаган ўлкаларда «уй-рўзгор буюмлари» ёки «мулк-давлат» маъносини англа-тадиган оммабон иборани тушунмаганини қайд этиб қўяркан.

— Ўзим деңгиз бўйида тугилганман-у, аммо умримнинг кўп қисмини ўрмонларда ўтказганман.

Шу гапдан сўнг, гоҳида одамлар умум қизиқиш уйғот-

ган нарсага шоша-пиша тикилгани сингари, ҳамманинг кўзи унга қадалди.

Ўспиринлардан иккиси: «Денгиз бўйида!» — дея такрорлади. Одатда кўпдаям хушмуомалаю қувноқ бўлмаган оналари эса, хийла беўхшов бўлса-да, худди шунчалар олис йўл босиб чеккан машаққатларини юз-хотир қилаётган каби, меҳмонга бир қадар илтифот кўрсата бошлади. Етакчи эса, афтидан, ниманидир ўй сурганча, бироқ кавшанаётган чакагига дам беришни зарур топмай, узоқ жим қолди; ниҳоят у яна тилга кирди:

— Эшитишимча, мағрибдаги дарёлардан катта денгиз-гача озмунча йўл эмас экан.

— Ҳа, чиндан ҳам, дўстим, оғир сўкмоқ бу, йўл-йўлаккай озмунча нарсани кўрмадимку озмунча машаққатларни чекмадим.

— Бу ёшга келгунича одам боласи оз тер тўкадию озмунча азият тортадим.

— Ана шу сўкмоқлардан етмиш беш йил йўл босдим. Гудзон ортидаги жамики йўлни олиб қаралса, ўз қўлим билан овлаган илвасиним этидан мен тамадди қилмаган жойларни барини ҳисоблайдиган бўлсак, юз милга бормас-ов... Беҳуда мақтаниб юбордим-ку. Умринг охирлаб, кунинг битиб қолган бир пайтда ишларни хотирлашдан нима фойда?

— Мен бир вақтлар ўша Гудзонни сузиб ўтган одамни кўргандим, — деди охистагина ўғиллардан тўнғичи, мисоли ўзи айтаётган гапга унчалик ишонмаётгандек ва шундай кўпни кўрган кимса олдида хиёл иккиланганнамо сўзлашни одобдан деб билгандек бир оҳангда. — Унинг айтишича бу катта дарё чуқур ҳам экан, уни бошланганидан то қуйилишигача солда сузиб ўтса бўлармиди.

— Агарда бирон сувни айланиб ўтиш мумкин бўлса, мен уни дарё демайман, — гапга қўшилди кўчманчиларнинг беҳосият ҳамроҳи. — Агарда чинакам дарё бўлса, одам уни айланиб ўтмайди, балки тўппа-тўғри сузиб ўтади, ундан катта ов¹ пайтидагидек қуршаб-айланиб юрмай, тўғри манглайдан бостириб бораверади.

¹ Янги ерларда катта музофот аҳолиси — баъзан бутун ўлка аҳли тўпланиб, йиртқич ҳайвонларни қирғин қилади. Улар бир неча милъ масофада доира ясаб, йўлакай учраган жониворни қийратиб, халқани аста-секин торайтира боришади. Бу ерда ана шундай ов усулига шама қилинган: таъкибга олинган йиртқич бир ўқчи олдида иккинчиси ёнига олиб-қоча бошлайди (*муаллиф изоҳи*).

— Кунботарга караб анча ичкарилаб борганмисан? — дея гапни бўлди кучманчилар раҳнамоси, атайлаб ўзининг кўрсу кўпол ҳамроҳининг суҳбатга аралашинишига йўл қўйишини истамагандек. — Караб турсам, шир-ялангоч текисликка келиб қолибман, мундок чеки-чегараси кўринмай демайди-я!

— Бу ерларда хафталаб юргандаям бир хилда манзарани кўрасиз. Кўннича, халлоки олам бу шир-ялангоч даштни Штатлар олдига ибрат бўлсин учун, ўзларининг телбаёна қилмишлари оқибаотида ерни қай аҳволга солишлари мумкин эканини кўриб турсинлар деган маънода қок-қурук бир дастурхон мисоли ёзиб қўймаганмикан, деб ўйлаб кетаман. Ҳа, бу яйдок дала-даштан талай хафталаб, талай ойлаб йўл боссанглар ҳам на биронта кенту қишлоқ, на биронта инсон ёхуд мол-ҳол учун бирон бошпана-масканини учратасизлар. Ўзига уя топмоқлик учун хатто ёввойи ҳайвон қўплаб миль масофани изғиб чиқади бу ерларда; шунга карамай, наздинда, маширик ёқдан эсган шамол болталарининг тарақа-турикию дов-дарахтларининг гурсиллаб қулаган шовқинини олиб келмайдиган ҳол камдан-кам бўлади.

Чол, магар сўзлари хаттоки энг теран ҳис-туйғуларини ифодаламаган чоғда ҳам, ҳар қалай кексаликка ҳос самимият ҳамда салобат ила сўзламокда эди. Тингловчилар унинг сўзларига чурқ этмай қўлоқ солишарди. Улар суҳбатни транпернинг ўзи қайтатдан тиклашини эхтиромла кутинди, у эса ҳадемай чегара аҳли таомилича қочирим-қинояли савол бериш билан шундан қилди ҳам:

— От-араваларда, яна-тагин бутун бошли қорамол подаси билан қанча-қанча дарёю сойларни кечиб ўтиб, дашту биёбонга шунчалик ичкарилаб келиш осон бўлмагандир сенга, ошнам!

— Токи Қатта дарёнинг шимол томонга караб жуда олислаб кетишини кўрмагунимча чап соҳил ёқалаб келавердим, ўша ерга келганда эса сол ясаб, кўпда зиён-заҳмат кўрмай ўтиб олдик бўёкка: аёлимнинг ҳисобича икки-учта қўй етмади, иннайкейин, қизлар ҳам битта сизир камроқ соғадиган бўлишди. Ҳўш деганингдан, бўёғига бўлса бирон қун йўқки биронта анхору дарёча устига биз кўприк солмаган.

— Назаримда сен қўналгабоп жойини топмагунингча мағрибга караб боравериш ниятидага ўхшайсан-ку?

— Ҳа, токи тўхтайман ёхуд орқага қайтаман деган

қарорга келмагунимча, — деди кучманчи ва кескин ҳарат-тат-да суҳбатни бўлиб, ўридан турди.

Траппер билан бутун оила унга эргашди. Кейин, меҳмон борлигидан заррача хижолат тортмай, сайёҳлар тунагани ҳозирлик кўришга тушиб кетишди. Улар кечлик овқатга утирмаслариданок кесиб қулатилган дарахтларнинг учларидаги шаббалар, хонаки қўполдан-қўпол кўриш-адёллар ҳукиз териларидан наридан-бери, қисқа муддатга мўлжалланган бир неча бостирма, тўғрироғи, чайла қуриб улгуришган эди. Болалар оналари билан зумда ана шу чайлалар остига ўрмалаб кириб, кетишди-ю, чамаси, уша заҳотиёқ донг котиб ухлаб қолдишди. Эркакларнинг эса ёнбошлашдан олдин қиладиган унча-мунча юмушлари боришди: манзилгоҳ теграсидаги гов-тўсиқни охиригача битказиш, гулхани хафсала билан учуриш, мол-қолга яна бир марта озуқа бериш ва ухлаётганларни кўриқлаш учун қоровул қўйиш.

Қайд этганимиз биринчи вазифани адо этиш учун соябон аравалар ораллигини дарахт таналарини шох-бутоқларини уйиб беркитишди, аравалар билан дарахтзор ораллигидаги минтақасимон очик жой ҳам шу тахлит тўсилди; соябон аравалар билан дарахтзор ўртасида эса, ҳарбий тил билан айтилганда, уларнинг қароргоҳи жойлашган эди; ҳулласи, улар эгаллаган марранинг уч тарафида ўзига хос бир *chevaux de frise*¹ ҳосил бўлганди. Ана шу гов-тўсиқлар ўртасидаги тору танкис жойда (башарти қанои матоли чодир яшириб турганини ҳисобга олинмаса) ҳамма одамлару мол-қол жам бўлганди; чарчаб-ҳориган жониворлар дам олишдан хурсанд, эндиликда ақлий жиҳатдан ўзларидан қўпдаям олислаб кетолмаган ҳайдовчиларини унчалик безовта қилмай қўйган эди. Ўспиринлардан иккиси қуроқларини қўлга олишди; биринчи навбатда пилтасини алмаштириб, кейин чакмоқтошнинг қўздан кечиришди-да, биттаси қароргоҳнинг ўнг, иккинчиси сўл қанотига қараб юриб, уша ерда, дарахтлар панасида, даштнинг маълум бир қисми кўринадиган жойда марра эгаллашди.

Кучманчи баҳам кўришни таклиф этган поҳол тўшамани рад этган траппер қароргоҳдагилар жойлашиб олгунларича кутиб турди-да, сўнгра хайрлашиб, аста-аста нари қараб кетаверди.

¹ Гов, тўсиқ (франц.).

Тунги соат бирлар чамаси эди. Янги ойнинг оқиш, титроғу алдамчи ёгдуси бепоён даштнинг ҳадсиз «тулкинлари» узра ўйин тушиб, адиру тепалар кифтига ёрқин шуълалар сочди қилар, тепалар оралигидаги пастқамликларда эса зимистон қоронғиликни янада қуюклаштиради. Бундайни қимсасиз овлоқларга қўниқиб кетган чол қароргоҳни тарқ этиб, бандоргоҳдан чиқиб, йўлсиз-несиз океан саҳролари сари юрган мардона кема янглиғ, танҳо дашт қаърига қараб юрди. Бир муддат у, афтидан, бирон мўлжалу мақсадсиз ёхуд, тўғрироғи, қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмагандай оқимлайверди имиллаб. Нихоят, навбатдаги адир тепасига етгач, тўхтади. Бутун ўтмиш хотираларини ўй-мулоҳазалари шовқадай бостириб келишига сабабчи бўлган одамлар билан хайр-маъзур қилган дақиқасидан берига биринчи марта қаерда кетаётганини фаҳмлади. Милтиғи қўндоғини ерга тираб, унинг милига таянган қўйи яна бир неча дақиқа ўйга толди, бу орада югургилаб етиб келган ити эгасининг оёқлари ёнига узанди. Вафодор итнинг бўғик, дағдағали ириллашган ҳаёлот оламига чўмган эгасини ўзига келтирди.

— Нима экан уёқда, жонивор? — У шундай дея ҳамроҳига худди ўз тенгига қарагандай қаради, овозида эса меҳр товланиб турарди. — Хўш, нима дейсан, жонивор? Ҳа, Гектор? Ножўя нима борақан ўшюқда? Ишлар чаток, жонивор, ишлар чаток! Биздай қари қўппакларга парво қилмай, шундок бурнигинамиз остида ҳатто қийинқавчалар ҳам бемалол шўхлик қилиб иргншлашаверади. Бу савқи табиий-туғма туйғу: эндиликда биздан қўрқинишнинг ҳожати йўқ эканини тушунган улар, Гектор, ҳа, ҳа, тушунишган бўли!

Ит бошини қўтариб, эгасининг сўзларига жавобан чўзиб ва нолиганнамо гингшиди, тумшуги тагин майсагиёҳ орасида гойиб бўлганида ҳам тинмади ингиллаши: у гўёки сўзсиз нутқини яхши тушунадиган эгаси билан суҳбатни давом эттиришни хоҳлаётгандек эди.

— Энди бўлса сен очикдан-очик огоҳлантирясан-ку, Гектор! — дея сўзини давом эттирди чол овозини пичирлаш даражасида пасайтириб ва хавотирлик ила атрофга аланглади. — Нима гап, қўппаквой? Равшанроқ қилиб айт, жонивор, нима гап, ўзи?

Аммо Гектор энди тумшугини ерга тираганича жим қолган, афтидан мудрай бошлаганди. Эгасининг ўткир, тезкор нигоҳи эса ҳадемай олисидаги киши қорасини пайкади; «алдамчи», қўр оёғинда бу шапра унинг ўзи турган

адир тепасида гўёки сузиб келаётгандек эди. Лекин ана унинг шакли-тарҳи аниқлашди, эндиликда зипиллаганча келаётган позик киз гавдасини бемалол ажратса бўларди. Худди, бугунга бориш ақлданмикан, деб ўйлаб қолгандай, такка тўхтади киз. Гекторнинг кўзлари шу топда ой ёруғида йилтирларди — итнинг кўзларини дам очиб, дам эринибгина юмаётгани кўриниб турарди, бироқ у ортик норозилик аломатини билдирмай қўйганди.

— Келавер яқинроқ. Биз дўстнинг бўламиз, — деди траппер кўхна одати бўйича ўзи ва хамроҳини бирдай тенг қуриб. — Сенинг дўстнинг бўламиз; сени асло ранжитмай-миз.

Бу овознинг майинлиги, эҳтимолки бунинг устига кизнинг режа-мақсадининг муҳимлиги қўшилди, кўркувини енгиллигига қўмақлашиб юборди. У яқинроқ келди, шунда чол-китобхонга аллакачон Эллен Уэйд номи билан аён бўлган кизни таниди.

— Мен сизни кетиб бўлгансиз деб ўйлагандим, — деди киз хавотирлик ҳамда ҳуркаклик ила атрофга алаңлаб. — Менга сизни кетди, уни бошқа ҳеч қачон учратмаймиз дейишди. Олисдан кўзим тушганда бу сизсиз деб ўйламагандим сираям!

— Одамлар — бу шир-яланғоч дашту биёбонда анконинг тухумидай ноёб бир нарсаси, — эътироз билдирди траппер. — Дилда оддийгина бир умидни асраб-авайлаб келаман, яъниким, гарчи мен дашт жонзотию махлукоти билан узоқ мулоқотда бўлиб келган эсам-да, ҳар қалай инсоний қиёфамни йўқотганимча йўқ.

— Йўқ-йўқ, қаршимда кўринган одам эканини фаҳмладим, ҳаттоки итнинг прилагани қулогимга чалинаётгандай ҳам бўлди, — деб жавоб қайтарди киз шоша-пиша, бамисоли алланимани тушунтирмоқчидек, аммо керагидан ортиқча сўзлаб юбормадиммикан деган ҳадикда гапи оғзида қолди.

— Отанг кўнган манзилда итларга кўзим тушмаганди чоғи, — деб қўйди траппер.

— Отанг! — чолнинг гапни бўлди киз қизишиб. — Менинг отам йўқ! Сирасига кўчсам — бирортаям чин дўстим йўқ десам ҳам бўлади.

Ушбу сўзларини чол ёғин-сочинда дағаллашиб кетган чехрасига қандайини оққўнғиллик ва тўғрилигу самимият билан, кўзлари қандайини меҳру оқибат ҳамда ачинаши-ла қўтиб олганини кўрган кизнинг кўнгли жойига тушиб, бутунлай хотиржам тортди.

— Бақувват одамларгина йўл топиб, аранг етиб кела оладиган бу ўлкаларда нима қилиб юрибсан асти?—деб сўради чол. — Катта дарёни кечиб ўтаркансан, сенга ўхшаган ёш ва ожизаларни доимо химоя қилиш бурчи-вазифаси бўлган дўстнинг нариги соҳилда қолишидан нахотки беҳабар бўлсанг.

— Ким ҳақида гапиряпсиз?

— Қонун ҳақида. Бизни босиб-эзиб тургани ёмон, лекигини гоҳи-гоҳида мен, унинг умуман йўқлиги бундан бешбаттар ёмон, деган ҳаёлга бораман. Йиллар ва заифлигу камқувватлик вақти-вақти билан ана шундай аччиқ-аламли фикр — ночору нотавон одамнинг фикр-ўйларини кўнглимга солади десанг. Ҳа, ҳа, пешонасига на куч-қувват, на фаҳму фаросат битмаганларга ғамхўрлик қилиш талаб этиладиган дамларда қонун асқотади. Лекигини, қизалоқ, агар отанг бўлмаса, унда акалли аканг ёки уканг бордир, ахир?

Қиз ушбу савол замиридаги таънани уқди-ю, довдираб, мик этмай туриб қолди. Бирок ҳануз ўзига бирдай ҳамдардлигу ачиниш-ла тикилиб турган ҳамсухбатининг саховатли ҳамда жиддий юзига ўғринча кўз қирини ташлаб оларкан, у дадил жавоб қайтарди, сўз оҳанги кизнинг қария берган савол замирида ётган пинҳоний маънони тўғри пайкаганига заррача шубҳа қолдирмади.

— Сиз у ерда кўрганларга ўхшайдиган бирон киши менга ака ёки ука, ёки бирон яқин ёр-биродарим бўлишидан худонинг ўзи асрасин! Лекин айтинг-чи, менга, эй меҳрибон ота, бу хувиллаган, кимсасиз дашту биёбонда ростдан ҳам ёлғиз ўзингиз яшайсизми? Бу ерларда ростдан ҳам сиздан бошқа ҳеч ким йўқми?

— Бу ерларда юзлаб... йўқ, минглаб мамлакатнинг қонуний, асил эгалари изғиб юришади, лекигини терисининг туси бизга ўхшаганлар жуда-жуда кам учрайди.

— Бу атрофда биздан бошқа лоакал битта оқ танли одамни учратмадингизми? — дея қиз тоқатсизлик ила чолнинг гапини бўлди, унинг бафуржа, имиллаган шарху баёнини охирига етказишга қўймай.

— Талай қунлар мобайнида бирортасиниям... Жим, Гектор, секинроқ! — дея қўшимча қилди у ўз дўстининг бўғиқ, аранг эшитилаётган ириллашига жавобан. — Ит шамол эсаётган тарафда қандайдир беҳосият нарсанинг шарпасини пайқаяпти. Қора айиқлар гоҳида тоғдан тушиб, яқинроқ келиб қолади. Безиён жониворни пайкаганида тиш гижиралиб, ириллайдиган одати йўқ тозимни.

Ҳозирда мен бир замонлардагига ўхшаб милтикдан тез ва аниқ уродмайман-ку-я, лекинги ҳозир, қариган чоғим-дайим бу даштда энг ваҳший, энг баттол йиртқични қулатганман неча марта-лаб; шундоқ экан, ҳеч нимадан кўркма, киним.

Эллен кўпинча кизларда сезиладиган алоҳида бир қилиқ-ҳаракатла атрофга нигоҳ ташлади: аввало оёғи остига бокди, сўнгра эса инсон кўзи илғай оладиган ергача жамики парсага бир-бир тикилди; унинг юзида тоқатсизланишдан кўра кўпроқ хавотиру безовталик ифодаси акс этарди.

Кўп ўтмай итнинг калта-калта ҳуриши ҳар икковларини ҳам бўлак томонга бурилиб қарашга мажбур этди, шунда кўзлари такрорий огоҳлантириш аслида кимга қаратилган бўлса, ўша кимса қорасини элас-элас илғади.

III б о б

Қара-я! Сен бутун Италиядаги энг жиззакчи болалардан бирсан. Сенга сая тегиб кетинса — жаҳлнинг чиқади; сая жаҳлнинг чиқдими, тамом — ҳамманинг асабига тегасан.

Шекспир, «Ромео ва Жульетта»

Гарчи траппер олисда яна бир одам қорасини кўриб, устига-устиак у кўчманчи тунаган тарафдан эмас балки айнан қарама-қарши томондан келаётганига ажабланган бўлса-да, қадимдан ҳар хил хавфу хатарларни кўравериб ўрганиб кетган одамдай хотиржам қолаверди.

— Эркак киши, — деди траппер. — Ийнайкейин, томирларида оқ танлининг қони оқяпти, йўқса одим ташлаши енгилроқ бўларди. Энг бадбин фалокатга қарши шай бўлиб туришимиз керак, нега деганингда бундай овлоқда учраб турадиган метис-қурамалар чин хиндулардан хийла ваҳшийроқ.

У шундай дер экан, милтигини баландлатиб, пилтаси билан чакмоқтоши жойидалигини пайпаслаб текшириб кўрди. Аммо у милтиқни нишонга тўғирлаб ўқталар-ўқталмас кизнинг титроқ қўллари илдамлик-ла унинг тирсагидан тутди.

— Худо ҳақки, шошилманг! — деди Эллен Уэйд. — Бу дўстдир балки... таниш... ё кўшини.

— Дўст? — такрорлади чол кизнинг чайир қўлларидан

тирсагинин шахт-ла бушатиб оларкан. Хар жойда ҳам дуёт кам топилади, бу улкада эса ҳамма жойга караганда сийракрок. Кўшинлар десанг, улар бир-бировидан узоқ-узоқда манзил куради, шу боис буёкка келаётган кимсанинг таниш одам экани даргумон.

— Майли, нотаниш бўлсаям... сиз унинг кинини тукишни истамайсиз-ку, ахир!

Траппер қизнинг афтига тикилди ва унда қўрқув ҳамда хавотирланиш ифодасини уқиди. Шунда у, гўёки шартта уз ниятидан қайтгандек, милтиги кўндогини дук эткизиб ерга қўйди.

— Ўўк, — деди у суҳбатдошидан кура кўпроқ ўзига мурожаат этиб, — киз ҳақ: бесамараю бефойда, ниҳоясига етиб, паймонаси тулиб қолган ҳаётни кутқариб қолмоқлик учун қон тукиш иш эмас. Майли, яқинроқ кела қолсин; агар истаса, қопқонларим, мўйналарим, ҳатто милтигим-гача олиб кета қолсин, майли.

— Ҳеч нимани талаб қилмайди, ҳеч нарса керак эмас унга, — дея қаршилик билдирди киз. — Агарда у ҳалол, инсофли одам бўлса, ўзиники ҳам етади ўзига, биров-никини тортиб олмайди...

Ҳайрон бўлган траппер ушбу қовушмаган, телба-тесқари гапларга ҳеч нима деб эътироз билдиришга улгуролмади, чунки нотаниш кимса аллақачон яқинлаб қолган, улар турган жойдан эллик кадам чамаси нарида келаётганди. Гектор бу орада содир бўлаётган воқеанинг бефарқ шохиди бўлиб қолаолмади. Олисдан келаётган одим шарпасини эшитибок эгаси оёқлари остидаги ўз харорати нла иситган жойидан туриб олганди; эндиликда, нотаниш кимсанинг қораси кўзга яққол ташлангач, човутга шайланаётган қоплондай, ерга қапишган қуйи унга қараб эмақлай кетди.

— Итингизни чакиринг, — пўписадан кура дўстона оҳангдаги катъий ва паст эркак овози эшитилди. — Ўзим итни яхши кўраман, шунинг учун итингизни майиб-пайиб қилишга кўзим қиймайди, жоним ачийди.

— Эшитяпсанми, жонивор? Сен ҳақингда гапиряпти! — деб қўйди траппер. — Бери кел, тентаквой. Ҳуришу ақиллаш — вассалом, ўзини ҳимоя қиладиган чораниложидан бисотида қолгани шугина. Келавер, дўстим, итни тиши қолмаган.

Нотаниш кимса узоқ иззатталаблик қилиб ўлтирмади. Олга ташланди-ю, қарабсизки, бирон сония ўтмаёк Эллен Уэйднинг ёнида турибди-да. Қизнинг бетига тикилиб,

ростдан ҳам ўша эканига ишонч ҳосил қилгач, у Элленнинг ҳамроҳини диққат-ла кузатди: бу одамнинг кимлиги унинг учун мутлако бепарқ эмас эканлиги кўриниб турарди.

Осмондан тушиб қолдингизми бу ерга, ошна? — деди у, унинг бепарво-бегаму очик-ошкора сўз оҳанги шунчалик табиий туюлдики, бу ерда мугамбирлик бўлиши мумкин эмасди асло. — Ёки сиз аслидаям тўғридан-тўғри даштда яшайсизми?

— Каминга кўп замонлардан буён ер бетиде яшайман, кейин, умидворманки, ҳеч қачон ҳозиргидан кўра самога яқинроқ турмаганман, — дея жавоб қилди траппер. — Менинг бошпанам, башарти уни шундай деб атаб бўлса, яқин-орада. Ана энди, сен бошқаларга нисбатан шунчалик жўну оддийгина қавилда раво кўраётганингдек, мен ҳам бир бетакаллуфлик кўрсатиб қўяй. Ўзинг қасқалан келиб қолдинг-у, уйнинг қаерда?

— Секин, секинроқ; аввал мен саволларимни бериб бўлай, ана ундан кейин сизнинг навбатингиз келади. Ойдинда нима овласа бўлади? Нахотки шу пайтда кўтос изига тушган бўлсангиз?

— Мен, ўзинг кўриб турганингдай, хув анави адир ортида қўнган сайёҳлар манзилгоҳидан ўз вигвамимга¹ кетяпман. Ҳеч кимга зиёним тегаётгани йўқ бундан.

— Ҳа, албатта, ҳеч кимга зиёнингиз тегмаса кераг-ов. Унда ёшгина аёлни йўл кўрсатсин деб илакиштириб олибдилар-да, негаки у бу жойларни яхши билади-ю, сиз бечора бўлсангиз яхши билмайсиз экан-да, а?

— Мен уни, худди сенга ўхшаб, тасодифан учратиб қолдим. Бу бепоён даштда яшаётганимга ўн йил бўлди-ю, шу бугунги кечадаги каби бирон марта оқ танли одамни йўлиқтирмагандим бундай паллада. Агарда мен кимгадир ҳалал бераётган бўлсам, кечирасан, ўз йўлимга кетаверишим мумкин. Дугонанинг гапига кулок сол аввал, шунда балки менга ҳам бунчалик шубҳа-гумонсиз кулок берарсан.

— «Дугона»! — деди йигит ва муйнадўзи теллагини бошидан олиб, бармоқларини хурпайган қоп-қора жингала сочларига тарокдай қадади. — Бу кизни шу оқшомгача кўрган бўлсам, турган жойимда...

— Бас, Поль! — дея кафти билан унинг оғзини бекитди киз, бу қилмиши астойдил эканига ишонини маҳол эди-ёв.

¹ Вигвам — бошпана, хиндулар кулбаси.

Ҳалол, виждонли қария бизнинг сиримизни очиб қўймайдилар. Мен бунн кўзлари билан меҳрибонона, мулоим сўзларидан тушуниб олдим аллақачон.

— «Сиримизни». Эллен, сен, чамамда унутибсан...

— Йўқ, эсимда тутиш керак бўлган нарсадан ҳеч нимани унутганим йўқ. Шундай бўлсаям, харҳолда, бу ҳалол трапперга ишонсак бўлади дейман.

— Трапперга! Ия, ҳали бу киши траппермилар? Қўлни ташланг, отахон. Иккаламизнинг касб-коримиз яқин экан.

— Бу ўлкада овчига катта маҳоратни ҳожати йўқ, — деб эътироз билдирди чол ва милтигига бепарвогина, илло чиройли бир ҳолатда, таянган йиғитнинг ғайрату куч-қувват ёғилиб турган қад-қоматига назар ташлади.

— Худонинг махлуқини қопкон ёки тўрга илтириши учун жасоратдан кўра кўпроқ хийла керак; мен қариб қолдим, ана шу нн билан шугулланишим керак. Лекигин сендай азамат йиғит ўзига бундан кўра тузукроқ касбни танласа ҳам бўлади.

— Менми? Э мен умримда қопкон билан на абжиру тулрак қорақузан, на чапдаст сузангич сувсар овлаганман, аммо тан олиншим керакки, гарчи милтиқдорю кўргошин сарфлашга арзимаса ҳам, бир неча маротаба ўша кўнғир шайтонваччани отиб олиншимга тўғри келган. Йўқ, қария, ер юзида ўрмалаган ҳеч қанақанги жониворни овламайман.

— Унда нон-насибангини қай касбу қор билан топасан, кадрдон? Башарти қимки дала-даштдаги жониворларни овлаш ҳақ-ҳуқуқидан воз кечадиган бўлса, бу ўлкаларга келишдан унчалик наф қўролмайди.

— Мен ҳеч нимадан воз кечаётганим йўқ. Агарда йўлимни айик кесиб ўтадиган бўлса, ўша захотиёқ маймоқвойини асфаласофилига жўнатаман. Бугу-кйииклар мени ҳидимни билишадн. Хўш, қўтосларга келганда эса — бутун Кентуккидаги энг бақувват қассобдан кўпроқ кулатганман бу букаларни, эй нотаниш отахон.

— Ия, отишниям биламан дегин ҳали? — деб сўради траппер, шу аснода унинг кўзларидаги пинҳоний ўт милтилаб кетди. — Дастинг мустаҳкаму кўзинг ўткирми ўзи?

— Дастим пўлат қопкондай, кўзу нигоҳим эса ўкдай тезкор. Қани энди, бобожон, ҳозир жазирама қундуз бўлса-ю, тепамиздан жанубга қараб гала-гала қорақанот ўрдақлар ёки шу ернинг оппоқ окқушлари учиб ўтаверса, сиз ёки Эллен галадаги энг чиройлисини танласанглар — шон-шарафиму яхши номимни милтиқдори тўла мугуз

эвазига тикиб айтаманки, беш дақиқалар ўтмаёк ўша парранданинг боши пастга осилиб чувиллаб тушаётганини — яна-тагин битта ўк ўзишдаёк — кўрардинглар. Сочмани тан олмайман. Хеч бир зог мени, сочма ўк отадиган милтик кўтариб юганини кўрганман, деб айтолмайди.

— Яхши йигит экан-ку! Шундок одат-килигидан кўришиб турибди, бу, — маъқуллаб деди траппер Элленга муржаат этиб, унга далда беришни истагандай. — Сиратап тортмай айтишим мумкин: буидан буён ҳам кўришиб, учрашиб турсанг буладди бемалол — ёмонлик чикмайди ундан. Қани айт-чи, менга, йигит, югуриб бораётган бугуни икки шохининг уртасини пойлаб олганмисан?.. Гектор. Тинчлан, кўпнаквой, тинчлан. Бирор жонивор тилга олинди деғуича итининг қони кизий бошлайди десанг. Жонни борича югуриб бораётган бугуни яна шунақанги усул билан қулатганмисан сира?

— Ундан кўра: «Умрингда гўшт еганмисан сира?» — деб сўраб кўя қолдинг. Бугуни буидан бошқача отмайман, отахон, фақат ухлаётганида тепасигача бориб қолмасам, албатта.

— Ха, ха, олдинда сени узун ва бахтли, шунингдек, ҳалол-покиза ҳаёт қутяпти! Мен қариб, мункиллаб қолдим дейишим мумкин, кейин, бировга нима нафим тегарди дейсан, лекигини ўзимга янгидан ёшу яшаш жойимни тандаш изи-ихтиёри берилгудек бўлса — ҳеч қачон инсон боласи измида бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас бу, илло, ҳар қалай, менга ана шундай изини тухфа этганлари тақдирда, мен йигирма ёшу чангалзор ўрмонларини танлашим тайин эди. Майли, буёгини кўя турайлик, қани айт-чи, мўйнали каерда, қимга ўтказасан?

— Мўйнали? Э, мен ҳаётимда терисини деб бугуни, нари деб гозини ўлдирган эмасман. Мен имкони бўлса уларни ейишга ёки қўлим отишдан чиқиб қолмасини учунгина отаман; аммо қорним тўйганидан кейин қолган-қутгани дашт бўриларига тегарди. Йўқ, йўқ, мени ўз касбим бор, ўша маъқул: Катта дарёнинг у бетига олиб бориб сотадиганим ҳар қанча мўйна-теридан келадиган пулдан кўра кўпроқ даромад беради.

Чол ўйлаб қолди пича, кейин бош чайкаб қўйиб, сўзини давом эттирди:

— Бу атрофларда фойда келтирадиган биттагина машғулоти билмаман...

Йигитча унинг сўзини охирига етказишга ҳам қўймай, бўйишда осиглик турган тунука сувдонини ҳамсухбатининг

нак кўзларига рўпара қилди. Сўнг копкоғини бураб очган эди, гул-чечаклар ширасидан йиғилган ажойиб асалнинг нозигу муаттар ҳиди урилиб, траппернинг бурун парраklarини китиклаб юборди.

— Э, демак, асаларичи экансан-да! — деди у ўша замонок, бу касб ўзига ошно эканидан дарак бергувчи тийрақлик ила. — Мундоқ караганда кизикқон, ўт-олов одамга ўхшайди-ю, лекигин бундай осойишта касбни танлаганини қаранг-а... Ҳа, — сўзида давом этди у, — чегара теварагидаги кенту кишлокларда асални дурустгина нархда олишади, лекигин бу ерда, даштлик ўлкаларида бу, мен сенга айтсам, ишониб бўлмайдиган иш.

— Дов-дарахт, асалари куч бўлиб уя қурадиган ҳеч нима йўқ дерсиз балки? Лекин мени билганим-билган: кнеқаси, бошқаларга караганда гарбга караб ярим минг миля олисроққа йўл олдим асл асал излаб. Мана, сизнинг кизиксинишингизни қаноатлантирдим, отахон, энди хиёл нарироққа бориб туринг, айтмоқчи бўлган гапимни айтиб олай манави кизга.

— Нарироқ боришларини ҳожати йўқ, рост, зарурати йўқ, буни, шоша-пиша гапга аралашди Эллен, худди йиғитнинг талаби ўзига пича ғалати ва хатто бирмунча беодоблик бўлиб туюлгандек. — Сиз менга бутун оламга эшитилгудек баралла гапириб бўлмайдиган нарсани айтмайсиз-ку, ахир.

— Воҳ, агар аёл кишининг ақлига тушунсам, майли, нар боларилар ўлгунимча таласин-а! Менга қолса, Эллен, ҳеч киму ҳеч нимага карамасдим: ҳозирдаёқ амакинг — агарда ўзингга, онт ичаманки, ҳеч қандай қариндошчилик жойи бўлмаган одамни амаки десаи — отларини тушовлаб қўйган пастликка ҳам тушиб борардим. Худди шундоқ, тушиб борардим-да, чолга дилимда борини тўкиб-солардим, яна ярим-бир йилга чўзиб юрмасдим! Бир оғиз сузинг кифоя — иш битади, вассалом, хоҳлайдими у ёки хоҳламайдими, бари бир!

— Нукул шошганингиз-шошган-а, Поль Ховер, сиз билан ўзимни ҳеч қачон хотиржам ҳис қилолмайман. Икковимизни бирга кўришлари қанчалик хавфли эканини ўзингиз биласиз-у, яна чол билан ўғилларининг кўзига кўндаланг бўлай дейсиз-а.

— Нима, уятга қўядиган иш қилганми биронта? — деб сўради траппер, бари бир турган еридан жилмай.

— Худо сақласин! Бу киши ҳозир уларнинг кўзига кўринмасликлари керак, сабаби бор буни. Вакти келиб

хаммаси маълум бўлганида ҳеч ким қўл теккизмаслиги мумкин, лекин ҳозир ошкор этинга эрта... Шунинчун, ота, ҳозир сиз токи мен Полнинг гапларини эшитиб бўлгунимча хув анави тол олдида кута турсангиз, албатта ёнингизга бориб хайрлашаман сиз билан.

Траппер гўёки Элленнинг у қадар ишончли бўлмаган далилларидан қаноатлангандай бир қиёфада аста нари қараб юрди. Ўша захотиёқ ёшлар ўртасида бошланган ховрикма ҳамда ҳаяжонли гап-сўзлар мутлако эшитилмайдиган масофага етгач, чол яна тўхтаб, ёшлар билан ораларидаги суҳбат қайта тикланадиган дақиқани сабр-тоқат-ла кута бошлади, зеро улар қарияда астойдил кизикиш уйғотганди, йўқ-йўқ, ёшлар ўзаро ниҳоятда сирли тарзда суҳбатлашаётганлари важдан эмас, балки соддадил қалбида мутлако муносиб равишда қарор топган табиий ҳамдардлигу хайрихоҳлик замирида ҳосил бўлган эди бу кизикиш. Унинг эринчок, аммо вафодор ҳамроҳи бўлмиш ити тагини оёқлари остида чўзилди-ю, ҳадемай одатдагидек, боши кузги майса-ғиёҳларга деярли қўмилгундек бўлиб, мудрай кетди.

Ўзи истикомат қиладиган дашти биёбонда одамларни кўриш шунчалик ногаҳоний, шунчалик кўникилмаган ҳол эдиким, ҳаяжонга тушган траппер янги танишларининг гира-шира қорасидан кўзларини уза олмасди. Уларнинг шу ердалиги чолнинг поку матонатли қалбини сўнгги йилларда онда-сондагина бир ҳаяжонга соладиган хотиротлар ва ҳис-туйғуларни китиклаб кўзгаб кўйган, ҳаёлот кўзгусида сермашаккат ҳаётидаги анвойи тусли манзаралар антика йўсинда бўлак бетийнгу асов, аммо ўзгача лаззат бергувчи кўринишлар ила алмашиниб турар эди. Вафодор ит қўққисдан силкиниб вокелликка қайтишга мажбур этган дамда ҳаёл уни аллақачон олис-олислардаги дориламону ардоқли оламга етаклаб кетганди.

Шу пайтгача ёшию қувватсизлиги тазйиқига итоат этиб уйкуга мойиллигини очикдан-очик намоён этиётган ит дабдурустдан сапчиб турди-да, эгасининг дароз қомати ташлаб турган соя-қўлага чегарасидан чиқиб, худди сезгиси янги меҳмон таширф буюришидан дарак бергандек, бир неча сония давомида олисларга тикилиб қолди. Сўнгра, чамаси текширувидан хотиржам тортиб, яна иссиқ жойига қайтиб, тагини чўзилди; чарчаган тана-аъзоларини ерга шундай қулайлик ила ўрнаштирдик, бундан ўз орому осойиши ғамини ейиш унинг учун янги иш эмаслиги яққол англашилди турарди.

Яна нима гап, Гектор? — деди траппер мулойимгина, бироқ эҳтиёткорлик юзасидан пичирлаб. — Нима бўлди, кўппаквой? Эгангга айтакол, ошнам. Нима гап?

Гектор бунга жавобан яна бир карра улиб қўйди-ю, бироқ ўрнидан туришни лозим топмади. Бу хол: «Хабар қилдим, хушёр бўл бўёнгга», деган маънони англатарди. Траппер бундайин огоҳлантиришга нописандлик ила қараши ярамаслигини ўз тажрибасидан биларди. У паст, эҳтиёткорона хуштак билан сергакликка даъват этиб, тагин ити билан тиллашинишга тушди. Бироқ ит бамисоли ўз вазифасини аллақачон адо этганини англагандек, саркашлик қилиб бошини кўтармасди.

«Бундай дўстнинг ниораси баъзи одамнинг маслахатидан аълорок! — дерди траппер ўзича, ёшлар жуфти сари охиста одимларкан, улар эса кизгин суҳбатга бугун вужудлари билан берилиб кетганларидан чолнинг яқинлашаётганини пайкамадилар ҳам. — Факат бирор ўзига бино қўйган кўчманчи кулогига чалиниб қолиб, тегинли чорани кўрмасагин-а...»

— Болалар, — деб қўшиб қўйди у старлича яқинлаб келгач, — бу коронги далада ёлғиз эмасмиз; атрофда кимдир изгиб юрибди, демак, инсон кавми учун уят бўлса ҳамки, айтаман, хавфу хатар яқин орада.

— Борди-ю, санки Ишмаэлнинг ялқов ўғилларидан бирортаси тунда қўналгаларидан чиқиб, изгиниши хаёл қилган бўлса, унинг сафари ўзи ёки оғаси чамалаганига караганда тезроқ тугайди-ёв! — деди шангиллаб асаячи йнгит кизишиб, очиқ-ошкора дағдағали оҳангда.

— Ҳозир уларни ҳаммаси аравалари ёнида бўлмаса калламни шарт узиб ташлайман, — шошилиб орага гап кистирди киз. — Коровулликка қўйнишган иккиталаридан ташқари ҳаммалари уйқуга кетишганини ўзим кўрдим. Улариям ўтиб қаёққа борардилар, тупроқлари бир жойдан олинган, ҳозир мудраб, тушларида курка овлашаётган ёки кўча-қўйда ёкалашаётгандир.

— Шамол эсаётган тарафдан бирорта хиди жуда кучли хайвон ўтиб кетгандир-у, ит бундан безовталандир балки, ёки уям алланимани туш кўраётгандир эҳтимол. Менинг ўзимнияь Кентуккида итим бўларди, ўша баъзида ухлаб ётиб бирдан сакраб турарди-ю, гўё алланимани қувиб қоларди, чунки тушида овда юрган бўлардида. Итни олдига бориб, кулогидан тортиб-чўзгиллаб қўйнинг, уйкиси таркасин.

— Ундокмас, ундокмас! — эътироз билдирди траппер

ва бош чайкади: у ўз итининг феълини яхши биларди.

— Ёшлик уйкуга кетади, хобида тушлар кўради; кексаллик чи, у уйкусидаям сергак. Сизгиси Гекторни ҳеч қачон алдамайди, олин ёшлик тажриба эса мени кекса тозининг огоҳлантиришларини тушуниш, фахмлашга ўргатган.

— Ов қилинмайдиган ҳайвонларни овлашга уришиб кўрганмисиз у билан ҳеч?

— Очигини айтсам, гоҳида уни бўриларга қарши ишга солгим келиб қоларди — ов палласида улар илвасини ҳусусида одамдан кам очкўзлик қилмайди, лекигин ит ақлларок, гап нимадалигини тушунишини билардим. Ўук, йўк, Гектор бошқача ит, у одамнинг қилик-одатларини билади, тўғри изни некаш лозим бўлган чоғда ҳеч қачон сохта издан бормайди.

— А-ҳа, мана, сирингизни ўз оғзингиз билан гуллаб қўйдингиз. Сиз ит билан бўри изига тушсангиз, лекинига унинг хотираси эгасиникидан яхшироқ экан, — дея қулди асаларичи.

— Авваллари Гекторим соатлаб ухлар ва бўри ғалалари шундоқ кўз ўнгингизда бири кетидан иккинчиси югургиланганча ўтиб турганида ҳам қимир этмай ётаверарди. Бўри у билан битта товоқдан овқат ейиши мумкин, агар оч бўлмаса, ириллаб ҳам қўймайди у. Борди-ю, қорни оч бўлса, унда ўз ҳақ-ҳуқуқини бериб қўймайди асло.

— Тогдан қоплонлар қуйинга тушибди. Қун ботар шафагида биттасининг каттақон кийикка қандай ташланганини кўрдим. Боринг, отахон, итингиз ёнига қайта қолинг, унга бор гапини айтинг. Мен эсам ҳозир...

Итининг баланд ва чўзиб увлагани босиб кетди унинг овозини. Бу ув тортиш тун ҳавосини бамисоли дашти биёбоний руху арвоҳларнинг нолишидек титратиб янгради-ю, дам баландлаб, дам пастлаганича тўлқинсимон дашт бўйлаб таралди. Траппер диққат-ла қулоқ солган қуйи жим турарди. Бу кучли, ғалати ҳамда полиганнамо товуш ҳатто беғам асаларичига ҳам таъсир этиб, дилини ғаш қилди. Бир муддат сабр қилгач чол хўштак билан итни ёнига чақирди-да, ёшлар жуфтига юзланиб, ўзининг англашича вазият талаб этганидай жиддийлик билан сўз бошлади:

— Қимки, худонинг махлуқларига берилган жамики билимлар инсонга насиб этган деб уйласа, уша одам менга ўхшаб ёши саксонга борганда бу пуч ҳаёл эканини тушуниб олади. Тепамизда қандай фалокат таҳдид қилиб турганини аниқ айтолмайман ва итни ҳам буни аниқ

билади деб кафолат ҳам беролмайман-у, лекигин хавфухатар якнилиги ва ақлу ндрок садосига итоат этиб, унга чап бериш лозим эканлигини ҳеч қачон ёлгон сўзламайдиган дўстим тилидан эшитдим. Олдиниға, ит одам одими шарпасини эсдан чиқариб қўйибди, сизларнинг шу ердаликларинг уни безовта қиляпти, деб ўйловдим, лекигин у бутун окшом бўйи ниманидир сезиб, пайқаб турибди; унинг безовталанишиға сизларни сабабчи деб ўйлаб эса янглишибман. Иш, чамамда, жиддийроққа ўхшайди. Болаларим, агарда кекса одамнинг сўзини сал бўлса-да эътиборға олиб, маслаҳатиға юрадиган бўлсанглар, тезда ажралишинглар-у, ҳар қайсингиз ўз паногоҳларингизға ошиқинглар.

— Агарда шундай дақиқада Элени ташлаб кетадиган бўлсам, — деди ўспирин қизишиб, — мени...

— Бас қилинг! — гапини бўлди қиз ва ҳар қандай аслзода хоним хавас қилгудек нозигу мулойим оппоқ қўлчаси билан унинг оғзини бекитди. — Мен ортик қоломайман, шундок ҳам аллақачон ҳайрланишимиз керагиди... Яхши ётиб туринг. Поль... сиз ҳам, отахон, яхши дам олинг.

— Тс-с!.. — деди йигит қиз югуришиға чоғланган чоғда билагидан тутиб. — Жим-м!.. Ҳеч нимани эшитмаянсизларми? Қўтослар шўхлик қилишяпти, якни-орада. Туёқларининг дўчиллашидан худди бутун бошли қутуриб кетган шайтону иблислар уюри олиб келаётганға ўхшайди-я!

Чол билан қиз ҳар битта шубҳали товуш ниманин шовқини эканини англашға ҳаракат қилиб, бутун диққат-эътиборларни ила қулоқ солишаётган эди. Ҳа, шубҳасиз, ҳозирча жуда паст бўлса ҳам, аллақандай гайриоддий товушлар эшитилаётибди. Тунги шамол эпкини қулоқларига ерга урилаётган туёқ товушларини (эндиликда шубҳа қолмаганди бунга) шунчалик аниқ-тиниқ қилиб учуриб келтирганида ёшлар бир-бириға гал бермай ўз тахминларини қалаштира кетдилар.

— Менинг гапим тўғри чиқди, — деди асаларичи. — Қўтослар подаси қоплондан қочяпти. Ёки, эҳтимол, буқалари уришишяпти.

— Сенинг қулоқларинг алдаяпти, — дея эътироз билдирди чол, қулоқлари олисдан келаётган шовқинни илғай бошлаган дақиқадан бошлаб чуқур диққатға берилганликни ифодаловчи ҳайкал мисоли қилт этмай турган эди у. — Қўтос бундай олисға сакраёлмайди, кейин, ниҳоятда бир маромда дупурлаяпти — хуркиб кетган

пода эмас бу. Ж-жим... Энди жарликдан югуряпти, у ердаги булик ўт-гиёхлар туёк дунурини пасайтиради... А-ха, яна каттик ерга ўтишди... Мана энди кияликдан тепага кўтарилишяпти...тўппа-тўгри бизга қараб. Ҳозир егиб келишадн, яшириниб ҳам улгуролмай қоласизлар.

— Тезроқ, Эллен! — деб кичқирди йигит кизнинг қўлидан шашна ушлаб. — Манзилгохга қараб югурдик, улгурамиз ҳали!

— Вақт ўтди! Улгуролмайсизлар! — уларни тўхтатиб қолди траппер. — Лаънатилар кўриниб қолишди аллақачон. Бу сиулар тўдаси — ўғри-қарокчиларга ўхшаш туркларни билан ҳеч қанақанги саф-пафга қарамай, тўзиб-сочилиб от қўйишларининг ўзиданок дарров билиб оласан уларни.

— Сиуларми, иблисларми, лекин бизнинг эркак эканмизни билиб олишадн ҳозир! — деди асаларичи ва шундай дағдағали тусга кирдики, шу тонда уни худди ўзига ўхшаган довжурак жангчилардан ташкил топган катта қўшиннинг лашкарбошиси дердингиз. — Қўлингизда курулингиз бор, қария, ночору ожиза кизни химоя қилиш учун ундан ўк ўзинга розимисиз?

— Мук тушинглар! Манави ўт орасига мук тушиб ётинглар!.. Икковларинг ҳам! — деб шивирлади траппер сал нарироқларидаги анча калин ўсган бурганни кўрсатиб. — Қочиб улгурмайсизлар, олишинга эса, йигит, аскарларинг йўқ. Агарда бу киз сенга азиз ёки жонинг ўзингга керак бўлса, ўт орасига мук туш!

У шунчалик қатъий талаб қилиб, ўзи ҳам шунчалик қатъият-ла бурганзорга қараб юрдикн, икки ёш, чамаси, зарурат тазйиқида туғилган буйрукка итоат этишди. Ой кўк токи этагидаги енгил парқу булутлар тизмаси ортига яширинди; ширавагина ёруғ, кўройдинда атрофдаги нарсаларни фарқлаш маҳол эди, аммо уларнинг шакли-тарҳи кўзга хирагина ташланиб турарди. Траппер ўртокларини яхшилаб яширди ўт орасига (улар сўзсиз-несиз итоат этишди, зотан тажриба ва қатъийлик хатарли дамларда ҳаминша ишонч уйғотади кишида), энди хира ойдин ўзига томон елдек учиб, қутуриб от солиб келаётган тартибсиз суворилар оломонини тузукрок кузатишга имкон берди.

Дарҳақиқат, одамларга эмас, балки маҳзун текисликда тунги базм кураётган жину ажиналарга ўхшаб кетадиган жондорлар галаси шитоб-ла тўппа-тўгри бостириб келмокда, улардан ақалли бирортаси траппер билан унинг

ўртоқлари беркинган жойини ошкор этишни мукаррар эди. Вақти-вақти билан тун шамол гоҳ от туёқларининг шундоқ рўнарадаридан эшитилаётган аниқ-тиниқ дунурини, гоҳ чавандозлар кузак гиёҳлари узра елдек илгариллаб келаётганида деярли шарпасиз товурини келтириб турардики, бу ҳол қаршиларида намоён бўлаётган манзарага янада сеҳргарона тус берарди. Траппер итини аллақачон ёнига чакриб олиб, ёнига ётишни буюрган, ўзи бўлса тиззалаганча панагохидан хиндуларнинг ҳаракатини диққат-ла кузатар ва айни чокда дам кўриб кетган кизни тинчлантирар, дам бетокат йигитчанинг ўрнидан туришига йўл қўймай, қайтариб турарди.

— Хар қапакасига санаганингдаям улар ўттиз нафарга бориб қолади, — деди у гўёки шунчаки айтаётгандай. — А-ха, дарё томонга кетишяпти... Жим, жонивор, секин... Йўқ, яна биз томонга бурилишди... Палид карокчилар, қаёққа кетаётганларини ўзлариям билмай от солишяпти! Олти киши бўлганимизда ҳам, йигитча, худди мана шу жойда пистирмада туриб бошлардик уларни!.. Яхшимас бу, йигитча, ярамайди бу, настрок энгаш, йўқса бошнинг кўриниб қолади... Айтмоқчи, уларни ўққа тутган такдиримизда ҳам бу адолатдан бўлмасди-ёв, ахир улар бизга ҳали ёмонлик қилганликларича йўқ-ку... Тагин дарё тарафга бурилишди... Йўқ, тепага қараб қайрилишди. Энди, гўёки жонимиз танимизни ташлаб кетгандек, жим, шарпа чиқармай ўлтиришимиз керак.

Чол шундай деб ўт устига ётди-ю, ростдан ҳам нафас олмаётгандек тек котди; бирон лахзалардан сўнг икки ёввойи сувори ёнларидан шунчалик тез ҳамда шарпасиз, куюш мисоли олиб ўтиб кетди-ки, уларни чинакамига арвоҳу рўёлар тизилишиб ўтди деб ўйлаш мумкин эди. Уларнинг қоп-қора учар шарпа-қуланкалари гоийиб бўлиши биланок траппер бошини кўзлари ўтларининг учин — рувак-попуклари устидан кўра олаётган даражада кўтаринишга уриниб кўрди-ю, ўша ондаёқ шерикларига қимирламай, жим ётишни ишора қилди.

— Қиямаликдан қуйига, қароргоҳга қараб олиб боришяпти, — дея худди бояғидай аранг эшитиладиган қилиб шивирлади у. — Йўқ, этакда яна тўхташиб, бугуларга ўхшаб тўпланишяпти-кенганишяпти. Ё раб, тагин бурилишяпти, бу ярамаслардан қутулганимизча йўқ ҳали!

У яна нажоткор ўт-ўлан орасига беркинди, бирор дақиқалардан кейин эса қоп-қора тартибсиз чавандоз-

лар булуги траппер билан янги танишлари писиб ётган ясен тепалик чуққисиди шамол мисоли елиб келарди. Кун утмай сувориларнинг буёкка зим-зиё уфқни тепадан кузатиш мақсадида кўтарилганлари аён бўлди.

Бир хиллари отларидан тушишди, бошқалари, кўриниб турибди-ки, яқин-атрофдаги пастлигу сойликларни кузатиш-ла машғул бўлиб, отда уёқдан-буёкка бориб келишарди. Беркиниб ётганларининг бахтига бурган уларни хиндулар кўзидан пана қилибгина қолмай, устига-устак сувориларнинг ўзлари сингари махсус таълим курмагану ёввойи отларининг юришига ҳалал ҳам берарди: уёқдан-буёкка изғиб-улакаётган отлар уларни топтаб-эзиб ташлашига бир баҳя қолди.

Нихоят хиндулардан бири — бадковок, давангирдай эркак, ҳукмфармолик ваҷоҳатига қараганда раҳнамолари барча сардорларини атрофига тўплади ва улар отдан тушмаёк кенгаша бошладилар. Бу тўда шундоққина траппер билан шериклари яширинган бурганзор кирғоғида тўхтаганди. Асаларичи кўзларини кутарди. Хиндуларнинг киёфаси ёвзуна, бўлуқлари эса янгидан-янги, бир-биридан ваҳимали суворилар келиб қўшилгани сайин тобора даҳшатлино кўтқулироқ тус ола бораётганга ўхшарди. Ўнгит табиий майл измига итот этиб остидаги милтигини олиб, уни ўқлай бошлади. Ёнида юзини утга босганча, кўрқувдан қалт-қалт титраб ётган қиз буёғига нима қилишини дусту ихтиёрига ҳавола қилганди; аммо хийла эҳтиёткор ва йиллар силсиласида ақли пешланиб, тажрибаси ортган маслаҳатдоши ўнгитнинг қулогига шивирлади:

— Аскарга қарнайнинг садоси қанчалик таниш бўлса, тепкининг шиқиллаши худди ўшанчалик ошно бу муттаҳамларга! Қўй милтигингни, қўй деяпман сенга! Ой нури милтига тушди дегунча пайкаб қолишади бу иблислар, буларининг кўзи бориб турган қора илоннинг кўзидан ҳам ўткирроғ-а! Қимир этдинг дегунича қамон ўқи қадалади танангга.

Асаларичи унинг гапига қўнгандай кўриниб, қимирламади ҳам, чурқ ҳам этмади. Бирок ойдин, жуда хира бўлишига қарамай, ўнгитчанинги қошлари қимирлагани, кўзлари газабдан чакнаётганини кўрганда траппернинг мабадо панагоҳларини фош этсалар, ёввойилар қон тўқмай галабага эришолмасликларига ишонч ҳосил қилишига имкон берганди. Маслаҳати рад этилганини фаҳмлаган траппер ўзича чора-тадбирларни кўрди ва ўзига ҳос так-

дирга тан беришдек хотиржамлигу совукконлик-ла воқеалар ривожини кута бошлади.

Бу орада снулар (чол ўзининг хавфли қўшилари ўшалар эканини тўғри топганди) кенгагини тугатиб, афтидан ниманидир излаб, тагин тепа бўйлаб тўзғиб от чоптириб кетдилар.

— Иблислар, итимнинг товушини эшитишибди-да! — деб шивирлади траппер. — Қулоклари жуда ўткир-да, оралик масофани аниқ чамалашибди. Пастрок энгаги, йигит, бошингни ухлаётган итга ўхшатиб ерга қўйиб ёт.

— Ундан кўра ўрнимиздан туриб, мардларчасига таваккал қилганимиз яхши, — дея эътироз билдирди бетоқат шериги.

У ортик ҳеч нима деб қўшимча қилолмади: бақувват чангал келиб тушди кифтига, шунда кўзларини кўтариб қараб, шундоқ тепасида энгашиб турган хиндунинг қопқора ва ваҳинёна башарасини кўрди. Гафлатда қолган йигитчанинг, ўзининг айни сониядаги покулай ҳолатига қарамай, ҳарҳолда бунчалик осонгина бўйин беришга рағбату мойиллиги йўқ эди. У сапчиб туриб, рақибини гирибонидан олиб, шундоқ бўғдики, башарти траппер йигитни маҳкам қучоклаб, деярли унинг қувватига тенг келадиган куч билан исканжасини бўшатишга мажбур этмаганида бу олишув бирпасда ниҳоясига етишни аниқ эди. Йигит шеригини асоссиз сотқинликда айблаб улгурмасиданок ўн икки чоғли сиу ўраб олди уларни, шундай қилиб, учовлари ўзларининг бандиликка тушганларини тан олишга мажбур бўлдилар.

IV б о б

Сенинг жанг қилишингдан,
Менинг урушни кўришим минг бор
вахималироқ.

Шекспир, «Венециялик савдогар»

Омади юришмаган асаларичи билан шериги адолатан ҳам Америка дашти биёбонларининг бани исроиллари¹ деб атаса бўладиган одамлар қўлига тушиб қолган эдилар. Снулар қабиласи қадим-қадимлардан буён ўз ҳам-

¹ Бу ерда «бани исроиллар» жангари қучманчилар деган маънони англатади.

соялари билан адоватда эдилар, ҳаттоки бутун теваарак-атрофда маданий олам идора-хукмронлиги таъсири сезилга бошлаган бизнинг замонамизда ҳам улар хавфли ва хиёнаткорликка мойил қабила ҳисобланар эди. Хикоятимиздаги воқеалар содир бўлган кезларда эса аҳвол-шароит янада ёмонроқ эди; конун ҳимоясида бўлмаган ва айтишларича, бағоят маккору хиёнаткор халқ жойлашган олис ерларга боришга оқ танлилардан камдан-ками журъат эта оларди.

Гарчи тинчгина итбат этишга тайёр эканлигини намоён этган бўлса-да, транпер кимнинг қўлига тушганини жуда яхши биларди. Аммо энг зийрак ҳакам ҳам шу топда чолнинг дилида қандайини пинҳоний майлду ниятлар — кўркувми, мугамбирлик ёхуд итбатгўйлукми — ҳукм сураётганини англаб олинми мушкул эди. Нима сабабдан у ўзини талашларига сўзсиз-несиз йўл қўйиб берди? У одатларича қуролсизлантираётган пайтларида сиулар қўллаган қўполлигу зўравонликка қаршилик билдириш уёқда турсин, ҳатто уларнинг очофатона нафсларини қондиришларига кўмаклашиб, ўз фикр-мулоҳазасича, айниқсанги қўлга киритгилари келиб турган нарса-буюмларини сардорларга қўли билан тутқазди. Поль Ховер, акенича, бирмунча олинганидан сўнггина асир тушган ва ҳозир кучи етмай ночор қолгани важдангина ғолибларнинг ўзи ва буюмларига нисбатан кўрсатаётган ўтакетган даражадаги бевошиликларига ошқора қаҳру ғазаб-лачидаб турган эди. Бир неча маротаба ўз норозилигини яққол ошқор этиб, данғалига қарши зарба беришга уриниб ҳам қолди. Бундай таваккалона уринишдан уни ўтақаси ёрилаётган кизнинг илтижою ялиниб-ёлборишларигина тийиб қолди; шўрлик қиз бутун умиди фақат ундан эканини кўрсатаётгандек йигитнинг пинжига қисиниб олган эди; аммо ёрдам бериш истагининг ўзигина етарли эмас, шунингдек, у ақл билан иш тутмоғи лозим эди.

Бандиларнинг қуроллари билан бўлак анжомларини тортиб олиб, эғиларидаги баъзи — жуда ҳам зарур ва арзон-гаров — нарсаларни ҳам ечинтирган ҳиндулар гўёки уларга дам беришга аҳд қилгандек туюлдилар. Уларни кечиктириб бўлмайдиган иш кутмоқда, бандилар билан ўралашиб ўлтиришга вақтлари йўқ эди. Сардорлар яна кенгаша бошладилар, улардан бир хилларининг кескин, қизишиб сўзлаётганидан жангчиларнинг қозонилган қичкинагина зафар билан қифояланиб қолишни ҳаёлларига ҳам келтирмаётганлари равшан кўриниб турарди.

— Бу доғулдилар, ишқилиб, толзорда тунаб қолган

саёхатчилар манзилига кўноқка бориб, оромларини бузишмаса гўрғайди-да, — деб шивирлади сиуларнинг тилини туппа-тузуккина биладиган ва улар нималар хусусида гаплашганларини бинойидай тушунган траппер. — Булар жудаям маккор ва башарти оқ танли аёлни кенту кишлоқлардан шунчалик олис жойда учратишиб-дими, демак, яқин-орада оқ танли одам унга қулайлик учун яратган турли хил асбоб-анжомлар ҳам бўлиши гайин эканини тушунадилар.

— Агарда ярамаслар дарбадар Ишмаэлни бутун хонадони билан қўшиб Қояли тоғларга хайдаб кетсалар, буларнинг гуноҳларидан ўтганим бўлсин, — деди асаларини заҳарханда кулиб.

— Эҳ Поль, Пол-а! — таънаомуз хитоб этди Эллен Уэйд. — Яна эсдан чиқариб қўйяпсизми? Окибаги қандок бўлади ахир унда?

— Йўқ, Эллен, худди ўша, сен айтганингдек, «окиба-ти»ни ўйлаш ҳалал бериб қолди-да анави кизил танли иблисни турган жойида тил торткизмай қўйишимга, каттикроқ мушт туширсам, тамом, жони чиқарди-қўярди! Эҳ, отахон-а, мадомики ўзимизни кўрқоқларча тутган эканмиз, бунга сиз айбдорсиз! Қараб турса, қиладиган ҳунарингиз аслида ўзи шунақа: жонивор хайвонларни, шу қатори одамни ҳам алдаб тузоққа тушириш экан.

— Ўтинаман, тинчланинг, Поль, сабр-тоқатли бўлинг.

— Хўп, Эллен, ростки сен шуни хоҳласанг, уриниб кўраман, — деб жавоб қилди йигитча аламини зўрма-зўраки ичига ютиб; аммо-лекин, сен билишинг керакки, кентуккиликларнинг муқаддас бир матали бор, иш юришмагандан аламингни жаҳлдан ол, деган.

— Қўшни сойликдаги дўстларинг бу иблисларнинг кўзидан қочиб қутулолмайди-ёв деб кўркаман, — сўзини давом эттирди траппер, гўёки ёшлар ўртасида кечган гаплардан бирон-ярим иборани эшитмагандай, совуқ-қонлик ила. — Булар ўлжанинг ҳидини олишган; тозини илвасин тепасидан қувиш канчалик қийин бўлса, палид сиуниям издан чалғитиш ўшанчалик мушкул.

— Наҳотки ҳеч нима қилиб бўлмаса? — деб сўради Эллен астойдил қайғураётганини кўрсатиб турган илтижоли охангда.

— Ҳеч қандай қийин жойи йўқ бунини; овоз борича бўкирилса бас, Ишмаэл чол «кўрамга» бўри кириб қолибди-деб ўйлайди, — дея жавоб қилди Поль. — Агарда мен бўкирадиган бўлсам, очиқ далада овозим бир милдан

хам ортиқроқ ердан эшитилади, биз турган жойдан эса уларнинг манзилгоҳлари ҳеч қанақа узоқ эмас.

— Ана унда чеккан захматнинг сийловига қоқ миянгдан мушт ейсан, — қаринлик билдирди траппер. — Йўқ, йўқ, ҳийлагарларга қарин ҳийла ишлатиш керак, йўқса бу қўшаклар бутун бошли оилани киргин қилади.

— Киргин қилади? Э, бунақаси кетмайди! Тўғри, Ишмаэл саёҳатни шундай яхши кўрадики, иккинчи денгизгача сайру саёҳат қилса зарари йўқ, майли. Лекин нариги дунёга-чи? Қўрмаманки, чол бунақанги олис йўлга яхши тайёргарлик кўрмаган-ов. Уни ўлдирдишларига йўл қўйиб беришдан олдин қуролимни шундоқ бир сайратайки.

— Улар озчилик эмас, қуроллариям чакқимас: сенингча, олишмишармикан улар манавилар билан?

— Мен Ишмаэл Буш билан унинг еттита тала танбалани ўлгидай ёмон кўраман, лекин билиб қўйинг, қария, Поль Ховер айбни — агарда у Теннессидаки бўлса¹ — қуролига қўйиб, ушани сўкадиганлар тоифасидан эмас. Кентуккидаги ҳар бир ҳалолу пок оилада бўлганидек, жасур, мард одамлар у ерда ҳам топилади. Бушлар — бўйчан, узуноёқ ва забардаст, чайир қабила. Сизга шунини айтиб қўйсам, улар билан муштлашадиган одамнинг мушти залворли бўлиши керак.

— Те-с-с! Ёввойилар гапларини тугатишди, бу лаънатилар нимани режалаштирганларини ҳозир кўраминиз. Сабр-токат билан кутамиз, эҳтимол иш ўйлаганимизчалик дўстларингиз учун мудҳиш тўс олмас.

— Дўстларингиз? Қўйинг, траппер, агарда ихлосимни қайтармайман десангиз, уларни менинг дўстим деб атай кўрманг. Мен уларга тегишлисини топириб қўйганман, лекин яхши кўрганимдан эмас, адолат юзасидангина, холос.

— Менинг наздимда эса бу қиз ўшаларнинг оиласиданга ўхшаганди, — дея жавоб қайтарди чол чизағижинганнамо. — Беғараз айтилган гапни қўнглингга олиб, хафа бўлма.

Эллен тағини кафти билан Полнинг оғзини беркитиб, унинг ўрнига ҳамишагидек мурасасозлик оҳангида ўзи жавоб берди:

¹ Кентукки штати доимо Теннесси штати билан адоватда бўлган. «Теннесси қуролини ёмонлаш, айбетиш» деган ибора шундан келиб чиққан.

— Ҳаммамиз худди бир онладай бўлишимиз ва имкони борича бир-биримизга ёрдамлашишимиз керак. Биз сизнинг тажрибангизга бутунлай ишонамиз, саховатли, покнза, инсофли отахон: тажрибангиз дўстларимизни хавфу хатардан қандоқ огоҳ этиш чорасини топиб берар.

— Қани энди анави азамат йиғитлар қизил танлилар билан чинакамига жангга киришса, айни муддао булардида, кейин...

Ҳиндулар бўлугининг умум ҳаракатга келгани унинг сўзини тугатишига ҳалал берди. Ҳиндулар барчалари отларидан тушишиб, уларни уч-тўрт нафар уртоклари назоратига топшира бошладилар, дарвоқе, бандиларни қўриқлаш ҳам ўшалар зиммасига юкланган эди. Кейин, кўриниб турибдики, олний ҳокимият жиловини тутган жангчи атрофида саф тортишди-да, унинг ишораси билан — ҳар қайсилари тўғри олдинга қараб, яъни қуёш гардишидан таралаётган нур мисоли — аста ва эҳтиёткорлик ила доира марказидан узоқлаша бошлашди. Ҳадемай уларнинг қоп-қора гавдалари кўнғир-симоби тусли дашт ёпинчиги-ла қўшилиб, сингишиб кетди, лекин бандилар душманининг ҳар битта ҳаракатини сергаклик ила кузатишар экан, аҳён-аҳёнда ҳиндулардан биронтаси, бошқалардан сал бесаброғи нарирокни кўриш мақсадида бўйи баробар турганида осмон фониди намоён бўлган одам шакли-тарҳини илғаб қолардилар. Бироқ орадан пича муддат ўтар-ўтмас ҳатто душманининг муттасил доирани кенгайтира борган қўйи хануз ҳаракатда эканидан далолат бергувчи ана шу ғира-шира белги-аломатлар ҳам ғойиб бўлиб, уларнинг дилидаги ишончсизлигу ноумидлик тобора жумбоқли ўй ва тахминларни уйғота бошлади. Шу тариқа талайгина ташвишлару оғир дақиқалар кечди орадан, бандилар тик этган шарпага қулоқ тутганча, ҳужумга ташланганларнинг жанговар ҳайкириклари тун суқунатини мана ҳозир бузади, ана ҳозир бузади, кетидан қурбонларининг бакириқ-чакириклари янграйди деб кутиб ётишарди. Аммо, чамаси, разведка (бу ҳеч шубҳасиз разведка эди) самара бермади: ярим соатча фурсат ўтгач тетон¹ жангчилари қош-қовоқлари уйилиб, очик-ошқора хафсалалари пир бўлган ҳолда бирин-сирин қайта бошладилар.

¹ Тетонлар дакота қабилаларидан бири; «сиулар», «дакоталар», «тетонлар» номларини Купер синонимлар сифатида ишлатади.

— Бизнинг навбатимиз ҳам келиб қолди, — деди хиндуларнинг турки-авзойидаги ҳар бир арзимас ўзгаришни, ҳар бир душманона белги-аломатни сезиб-пайкаб турган траппер. — Ҳозир улар бизни сўроқ қилишга тушадилар; борди-ю бу зайлдаги ишларда ақалли бирон ниманинг маънисига етгудек бўлсам, у чоғда ҳаммасидан ҳам мана бундай қилганимиз маъқул: жавобу гапларимиз ҳар хил чиқмаслиги учун сўзлашни орамиздан биттамызга топширамиз. Уёғига, мабодо ночору нотовон, шарти кетиб, парти қолган, ёши саксондан ошган овчининг фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашишни ўзларингга муносиб кўрсанглар, унда маслаҳатим мана бундай: орамиздан хиндуларнинг табиатию феъл-атвори билан яхши ошно одамни танлашимиз лозим; яна-тагин десанглар, у бир амаллаб бўлса-да анавиларнинг тилида гаплаша олиши керак. Сен сиучани биласанми, ошнам?

— Э, бу асалари уянгизни ўзингиз эплаштираверинг! — дея тўнгиллади асаларичи. — Бошқа нарса қўлингиздан келадими-йўқми, буни билмадим-у, лекин ёнгиллашни котирааркансиз.

— Ёшларга теккан касал бу, ўйламай, орка-олдига қарамай баҳо бераверишади, — дея жавоб қайтарди траппер пинагини бузмай. — Шундок кунлар бўлганки, болақай менинг ҳам томнрларимдаги қон бафуржа, осойишта эмас, ўйноқлаб қайнаб-жўшиб оқарди. Илло менинг ёшимда тентагона жасоратларни, ўйламай, бемулоҳаза қилинган ишларни эслашдан нима фойда? Сочсоқоли оқарган чоғида одамга мактанчок тил эмас, ақлли бош ярашади.

— Гапингиз тугри, сиз ҳақсиз, — шивирлади Эллен. — Ана, хинду келяпти, бизни сўроққа тутмоқчига ўхшайди.

Қиз янглишмагани, ваҳима унинг кўзини ҳам, қулоғини ҳам пешлаб-ўткирлаштириб қўйган эди. У сўзини тугатиб улгурмасданок новча ярим-яланғоч хинду улар турган жойга келди-да, кўройдин имкон берганича бирон дақиқалар чамаси жимгина кузатди бандиларни, сўнгра хиркирок товуш билан ўз тилида икки оғиз сўз-ла саломлашган бўлди. Траппер қўлидан келганича жавоб қайтарди, афтидан, тузуккина уддалади чоғи, чунки хинду унинг гапини тушунганди. Расмиятчилигу синчковликка берилмай, орада бошланган суҳбатнинг туб моҳиятини етказишга эмас, иложи борича шаклини сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

— Нахотки рангпар юзлилар ўзларининг ҳамма қўтосларини еб битириб, ҳамма кундузларининг терисини нилиб бўлишган? — дея гап бошлади хинду салом-аликдан сўнг одоб юзасидан бир нафас жим тургач. — Нега энди улар пауналар ерларида канча ов қилинадиган жониворлар қолганини санагани келади?

— Бир хилларимиз сотиб олгани, бошқаларимиз сотгани келишади, — жавоб берди траппер, — лекигини сиуларнинг тураржойларига яқинлашини хатарли эканини эшитишса улариям, бошқалариям ортиқ келмай қўйишади.

— Сиулар — ўғри, улар қорли жойларда яшашади; ўзимиз пауналар ўлкасида туриб, олисдаги халқ тўғрисида гап сотиб нима қиламиз?

— Агарда бу ернинг эгаси пауналар бўлса, унда оқ танлилар билан қизил танлилар бу ерда бир хил ҳақ-хуқуқдан фойдаланадилар.

— Нахотки, рангпар юзлилар хиндуларни етарлича таламаган бўлсалар, яна сизлар ёлғон-яшиқ гапларининг ортмоқлаб шунча олис жойга келиб юрасизлар? Бу ер менинг қабилам ов қиладиган жой.

— Мен бу ерда яшашга ҳақким сеникидан кўра кам эмас, — дея қаршилик билдирди траппер мутлако босиқлик билан. — Айтадиган гапларимни бариини айта олмайман-да, шу бонсдан индамай қўя қолганим маъқул. Пауналар билан оқ танлилар — биродар, сиулар бўлса Бўрилар қишлоғида қорасини кўрсатишга ботинолмайдилар.

— Дакоталар — эркак! — даргазаб кичкириб юборди хинду, ўзини Бўри-пауна қилиб кўрсатаётганини унутиб, у ўзини қабиласининг энг фахрли номларидан бири билан атаб юборганини билмай қолди. — Дакоталар кўрқув нималигини билмайди. Гапир, рангпар юзлилар қишлоғини нима мақсадда ташлаб чиқиб, улардан бунчалик олислашиб кетдинг?

— Қанчадан-қанча кенгаш чоғларида қуёш қандай чиқиб, қандай ботганини кўрганман, допишманд зотларнинг сўзларини эшитганман. Майли, ҳамма сардорларнинг келиша қолсин, ўшанда ҳам менинг оғзим юмулмайди.

— Мен улуг сардорман! — деди хинду ўзини иззатнафси камситилган кўрсатиб. — Ё сен мени ассибибойн¹

¹ Қўчманчи сиу.

деб ўйладингми? Уюча — жангчи, уни ҳамма билади, унга ҳамма ишонади.

— Мени жуда унаканги оддий тетонни ажратолмайдиган даражада аҳмоқ деб ўйлама! Қўй, бас қил! — деди траппер асабларига таҳсин келтирувчи совуққонлик ила. — Ҳозир қоронги, шунинг учун сочиш оклигини кўрмайсан-да сен!

Ҳинду қупни кўрган одамни чалғитолмайдиган, хаддан зиёд беухшов ёлгонни ишлатиб қовун тушириб қуйганини фаҳмлади чоғи, асли ниятига эришиш учун яна қандай найрангни ишга солсамикни деб боши қотиб туриб қолди, бироқ хиндулар булугида бошланган ғимир-ғимир ҳаракат унинг бари режасини бузиб, чиппаққа чиқариб юборди. У биров ҳалакит бериб қолмасайди, деб чўчинкираб атрофга алаңлаганча, мугамбирликни бир чеккага йиғиштириб, хийла табиий товуш билан деди:

— Уючага Узун Пичокларнинг сутидан¹ берсанг, у ўз қабиласининг улуг одамлари қулогига сенинг номингни мактаб қўйлайди.

— Жўна, бор! Сизларнинг ёш жангчиларинг оғзидан Матори тушмаяпти. Менинг сузларим сардорнинг қулогига аталган.

Ҳинду қолга шундай қараш қилдики, ўкрайинидаги икки дунёда мурасага келмайдиган нафрати ҳаттоки кўройдинида ҳам сезилиб қолди. Кейин, ўзининг муваффақиятсиз чиққан ёлгонини (ўлжадан қонунсиз тарзда улуш ундириш бобидаги диёнатсизларча уринишини ҳам) траппер номини айтган, оломон орасида оғиздан-оғизга ўтишига қараганда ҳозир шу ерга келиши тайин бўлган қимсадан яширишга ошиқиб, писибгина ўртоқлари томон чекинди. Уюча гойиб бўлиши биланок бандилар қаршисига қоронгилик доирасидан паҳлавонқомат жангчи чиқиб қолди, улугворона вазоҳатига қараганда бу уларнинг маълиму машҳур сардорлари эди. Унинг кетидан бутун жангчилар бўлуги яқинлашиб, атрофида саф тортганча, эҳтиром-ла чуқур сукут сақлаб туришди.

— Ер кенг, бепоён, — дея гап бошлади сардор аяничли тақлидчиси ифода этишга беҳуда қучанган викор-ла, пича сукут сақлаб: — Нега энди улуг ок юзли падарим-

¹ Хиндулар америкаликларни қилинча қараб Узун Пичок (ёки Катта Пичок) деб атаганлар. Узун Пичокларнинг сўти — арак.

нинг фарзандлари ўзларига ундан сира жой топа олмай-дилар?

— Улардан бир хиллари текисликдаги дўстларини талай нарсаса муҳтож деб эшитишган, шу сабабдан улар, ростдан ҳам туғримикан бу гап, деб ўз кўзлари билан кўргани келишган. Бошқалари эса қизил танлилар сотиш-ни истайдиган нарсаларга муҳтож, шунинг учун улар ўз дўстларини мул-қул ўқ-дори ва кўрпа-тушак билан таъминлагани келишади.

— Наҳотки савдочилар Катта дарёни қуруқ қўл билан кечиб ўтсалар?

— Бизнинг қўлларимиз қуруқ, негаки сенинг навқирон жангчиларинг бизни чарчашига деб ўйлаб, юкларимиздан халос этишди. Улар хато қилишди: мен кексайиб қолганман-у, аммо ҳали бақувватман.

— Булиши мумкин эмас. Сизлар юкларингизни текис-ликни бирон ерида тушириб қолдиргансизлар. Ўша ерни жангчиларимга кўрсат, уларни пауналар илиб кетмасла-ридан оливолишади.

— Ўёкка элтадиган сўкмоқ тўппа-туғри эмас, бунинг устига ҳозир эса тун. Ўхлайдиган пайт,— деди траппер батамом хотиржамлик ила. — Жангчиларингга хув анави адирга боришни буюр; ўёкда сув билан дарахтзор бор; улар ўт ёқиб, иссиққина ухлашсин. Қуёш чиққанидан кейин сен билан яна гаплашамиз.

Қулоқ солиб турганларни оҳиста, аммо ғазабнок норозилик говури оралаб ўтди, шунда чол ўз хаёлича толзорда тунаб қолганларни хавфли ҳамсоялар пайдо бўлганидан огоҳ этгувчи нарсани таклиф қилиб эҳтиёт-сизликка йўл қўйганини тушунди. Бирок Матори бошқа-лар шунчалик очик-ошкоралик ила билдириб қўйган ғазабу норозилигини асло сездирмай, суҳбатни боягиндай осойишта оҳангда давом эттираверди.

— Дўстим бой-бадавлат эканини,— деди у,— шу атрофда анча жангчилари борлигини, отлари бўлса қизил танлиларнинг итларидан ҳам кўпроқ эканини биламан.

— Менинг жангчиларим билан итларимни ўзинг қўриб турибсан.

— Ия! Нима, аёлларда дакоталарнинг оёғимидики, текисликда ўттиз кеча йўл юрса ҳам йиқилиб қолмайдиган? Биламан, ўрмонзор ўлкалардаги хиндулар ўз оёқла-рида катта-катта масофаларни босиб ўтишади. Лекин, биз, бир қападан туриб иккинчи қапа кўринмайдиган ерларда яшайдиганлар, ўз отларимизни ёктирамиз.

Траппер жавоб беришга шошилмади. У, башарти мисчикиб қолгудек бўлса, ёлгоннинг оқибати ҳалокатли эканини тушунарди; устига-устак унинг касби билан шуғулланадиган ва унинг турмуш тарзида қун кечирадиган одам учун ҳамиша ҳам қулай келавермайдиган табиятан ҳақгўю ҳақиқатпарварлиги ёлгон сўзлашга қарши қатъиян бош кўтармокда эди. Аммо ҳозир нафақат ўзининггина, шунингдек бошқаларнинг ҳам тақдири унга боғлиқ эканини эслаб, ишни ўз йўриги-йўсини билан боришига ва, модомики шуни хоҳлаётган экан, дакоталар сардорининг ўзини-ўзи алдашига йўл қўйиб беришга аҳд қилди.

— Сну аёллари билан оқ танли аёллар бир вигвамдан эмас,— деди у мужмал қилиб. — Тетон жангчиси аёл кишини ўздан юқори қўйишни хоҳлайдими? Биламанки, йўқ; лекигин қулоқларимга чалинишича, кенгашда ҳамма нарсани хотинлар ҳал қиладиган мамлакатлар ҳам бор экан.

Давра қурганларнинг яна хиёлгина қимирлаб қўйишлари трапперга унинг сўзлари, гарчи шубҳаланиб бўлсада, лекин зўр ҳайрат-ла кутиб олинганини аниқлатди. Ёлғиз сардоргагина таъсир кўрсатолмади — ёхуд у ўзининг улуғворона обрўйини тўкишни истамади.

— Катта кўллар ёқасида яшайдиган оқ танли оталаримнинг айтишларича, — деди у, — гўёки қуёш чиқадиган ёқдаги мамлакатдаги биродарлари эркак эмасмиш; мана энди билиб олдим, менга ёлгон айтишмаган экан улар!

Қўй-э, хотин киши сардори бўлса, қанақанги халқ бўлди у ўзи? Ёки сен манави аёлнинг эри эмас-у, кўппагимсан?

— Кўппаги ҳам, эри ҳам эмасман. Шу бугунги кунгача унинг бетини кўрган эмасман. У прерияга, бу даштда улуг ва олижанобу мард дакота халқи яшайди, деганлари учун келибди, уларнинг эркакларини кўргиси келиб қолибди, нега деганингда, оқ танли аёллар ҳам худди сну аёлларига ўхшаб, ҳамма янги нарсага кўз солишни яхши кўрадилар. Лекигин мен қандок қаншоқ бўлсам, у ҳам худди ўшандок камбағал, борди-ю, дўсти икковларининг бисотидаги ўша озроқкина нарсасини спзлар олиб қўйсанглар, дон-дуну этга муҳтож бўлиб қолади у.

— Менинг қулоқларим талай қабихона ёлгон-яшиқларни эшитган! — дея ўшқирди тетон жангчи, унинг дагдағали овозидан ҳамма, ҳатто хиндуларгача сесканиб

кетди.— Ёки мени хотин деб ўйлаяпсанми? Нима, дакота-
нинг кузи йўқми? Қани айт-чи, менга, оқ тусли овчи,
терисининг туси сен билан бир хилдаги, анави аганатил-
ган дарахтлар ўртасида ухлаб ётган одамлар ким?

Шундай деб сардор дарғазаблик-ла қўли билан Иш-
маэлнинг манзилгоҳи томонни кўрсатди, шунда трапперда
шубҳа қолмади: жангчиларига қараганда хийла синчков-
лироғу тиришчоклик сардор айгокчиликни муваффақият-
ли ўтказган ва анавиларнинг эътибор-назаридан четда
қолган нарсани пайкай олган. Аммо, сардорнинг кашфиё-
ти ухлаб ётганларга ҳалокат келтиришни мумкинлигини
ўйлашнинг ўзи ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, суҳбат
давомида дакота усталик қилиб унга панд берганини
тан олиш қанчалик алам қилмасин, чол зоҳиран бағоят
хотиржам тутди ўзини.

— Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам даштда оқ танлилар тунаб
қолишгандир. Ростки биродарим шундай деган экан,
демак, бу ҳақиқат; лекигин тетонларнинг муруввату
ҳимматига ишонган қанақанги одамлар экан, буни билма-
дим. Агарда уёқда мухожирлар ухлашаётган бўлса,
ёш жангчиларининг юбор уларни уйғотгани, келгинди-
лар бу ерда нима қилиб юрганларини айтишсин; ҳар бир
рангпар юзлининг тили бор, ахир.

Сардор иршайиб бошини сарак-сарак қилди-да, гапин
туғатаётганини англатиш маъносида юзини буриб, жавоб
қайтарди:

— Дакоталар доно халқ. Матори эса уларнинг сардо-
ри. У бегона юрликларни ўрниларидан туриб, ўзи билан
қарабин тилида сўзлашишсин деб баралла чакириб
ўтирмайди. У қулоқларига оҳистагина шивирлайди.
Ана ўшандан кейин улар билан бир тусдаги одамлар май-
ли уйғотишга уриниб кўришсин у келгиндиларни.

У сўзини тугатиб, товонида оркага бурилар экан,
қорайиб турган даврани оҳистагина маъқулловчи кулги
оралай кетди ва сардор бандилардан узоқлашиб,
нарироққа бориб тўхтаганидан кейин ҳам анча вақтгача
эшитилиб турди. Шундайин улуг жангчи билан фикр алма-
шишга изн берилганлар кенгаш қургани яна унинг
атрофида тўпланишди. Уюча фурсатдан фойдаланиб
тагин арак сўраб тиргала бошлади, бироқ унинг ўзини
сардорлардан бири қилиб кўрсатишга тиришаётганига
ишонч ҳосил этган траппер ўқинтирарли бир тарзда
қўл силтаб қўя қолди унга. Лекин диёнатсиз ёввойи
хиралигини қўймасди, ниҳоят бутун бўлик бўйича отга

миниб, янги жойга бориш хусусида берилган буйрук-кина чек қўйди унинг тиргаллишларига. Олга силжиш сув куйгандек жимжитгина, мунтазам қўшин жангчиларига ҳам шараф келтиргудек тартиб-ла амалга оширилди. Кўп ўтмай яна тўхташ буюрилди; бандилар нафас ростлаб олиб, атрофга алаңлашаркан, яқингина ерда ёнгинасида Ишмаэл қароргоҳи аҳли ухлаётган толзор қорайиб турганини куришди.

Шу ерда сардорлар яна бир қарра — қискагина, аммо ишчанлик ила кенгашиб олдилар.

Афтидан ана шундай шарпа чиқармай, писибгина қилинадиган босқинларга ўргатилган отларини тагин соқчилар ихтиёрида қолдириб, бандиларни қуриқлашни ҳам ўшаларга топширдилар. Траппернинг тобора ортиб бораётган хавотири ёнида Уюча турганини, сурбетона гердаишидан эса унинг қоровуллар бошлиғи эканини билганида заррача пасаймади. Аммо тетон махфий фармойишга сўзсиз риоя этиб, ҳозирча томагавки¹ билан Элленга дағдаға қилиб қўйиш билангина қифояланди. Ушбу маънодор ҳаракати билан у мабодо учовларидан бирорталари шовқин солишга уринадиган бўлса ўша лахзадаёқ кизнинг бошига қандай қисмат тушажагини аңлатди-ю, нафасини ичига ютганча тек қотди. Уючанинг бу ногаҳоний вазмин тортиб қолиш траппер ва ёшларнинг ҳиндуларнинг қаройиб ҳаракат усуллари қоронғида иложи борича диққат-ла қузатиб туришларига имкон берди.

Ҳаммаларига Матори бош-қош эди. У ўз одамларининг шахсий лаёқатига мослаб ҳар қайсисига ўрни ва вазифасини аниқ кўрсатиб берар, барча унинг амрига, ҳинду жангчи синов дамларида сардорнинг буйруқларига ҳаммаша сўзсиз қулоқ тутгани каби, эҳтиром-ла итоат этарди. Бир хиллари ўнгга, бошқаларини сўлга жўнатарди. Сардор у ҳузурида олиб қолган икки жангчидан бўлак барча токи ўзига ажратилган маррани эгаллаб бўлгунига қадар ҳар қайсиларни ҳиндуларга хос тарзда шарпа чиқармай, зингиллаганча йўлга тушарди. Ҳамма қўздан қойиб бўлгач, Матори ўша икки сара сафдошига юзланиб, ўйлаган режаларини амалга ошириш фурсати етгани ҳақда ишора қилди.

Улардан ҳар бири енгил ов милтигини бир четга

¹ Томагавк — ҳиндуларнинг жанговар болтаси.

кўйди-да (ушбу қурол уларда қарабин деб аталар ва ҳурмат-эҳтиром рамзи саналарди), эгиндаги жамики ортинча ёхуд огирлик қиладиган нарсани ечиб, бамисоли коп-кора хайкалдек, табиатан бемалолу эркин, ваҳимали ваҷоҳату деярли яланғоч ҳолатда кута бошлади. Матори томагавки жойидами, чарм киндаги пичоғи бутми, вампум тасмалари пухта тортилганими, гулдору попукли қўнжлиги боғичи маҳкам боғлокми, юрганда ҳалакит бермайдими—барини бир-бир текшириб кўрди. Мана ниҳоят ўзининг таваккалона режасини амалга оширишга шай бўлган тетон олға силжишга ишора қилди.

Уч жангчи токи қораларини кўройдинда кўз элас-элас илғай олгунига қадар кўчманчилар қароргоҳи томон илгарилаб боравердилар. Бир пайт улар тўхтаб, ошнинг олға ташланишидан олдин оқибат-натижани сўнгги бор тарозуда тортиб кўраётгандек, атроф-теваракка тикилиб разм солдилар. Сўнгга энгашган кўйи бурганзорда кўздан ғойиб бўлдилар.

Ушбу машғум ва ёвузона ҳаракатларни бандилардан ҳар бири қандайин ҳаяжон, қанчалик ҳавотирлик ила юрак ҳовучлаб кузатиб турганини тасаввур этиш қийин эмасди. Китобхон Эллен Уэйдни илк бора даврасида кўрган онла билан алоқасини узишга йўл қўймаётган сабаблар қандай бўлса бўлаверсин-у, ило шу топда унинг жисмидаги аёлларга ҳос ҳис-туйғулар устун келган ёхуд, эҳтимолки, ҳали буткул чириб битмаган саховату оқибат уруглари жамики тўғаноқларни емириб униб чиққанди. Бир неча маротаба у сал бўлмаса лаҳзада жонига қангал солгучи ўлим ҳавфини писанд қилмаслик вас-васасига ён бериб, ғафлатдагиларни огоҳлантириш мақсадида ўзининг заифу ночор овозини баландлатиб қичқириб юбораёзди. Бу васваса-ҳаяжон шу қадар қучли ва шу қадар табиий эдиким, башарти Поль Ховер мудом қулогига шивирлаб насихат қилиб турмаганида қиз унга бўй бериб қўйиши тайин эди. Асаларичининг ўзини ҳам ғалати қарама-қарши ҳис-туйғулар чирмаб олганди. Унинг биринчи ҳамда асосий ташвиши ўз ҳимоясидаги қизни авайлаш эди, албатта; лекин қиздан ҳавотирланиш туйғуси қалбида ўткир, асову бетийик ҳамда аслан қувончли ҳаяжон мавжлари ила қоришиб кетган эди. Гарчанд у кўчманчиларни мутлақо икки суймаса, Эллендан кам хушламаса-да, ҳарҳолда уларнинг қарабинилари овозини эшитишни жон-жон деб истар ва буига имкон тугилса борми, биринчи бўлиб уларга ёрдамга отилиши

турган гап эди. Бу ҳам холва-я, гоҳи лахзаларда ховриқиб кетиб, олдинга ташлангиси, гафлат босиб ётган уйқучиларни уйғотгиси келиб типирчилаб коларди-ю, бироқ Элленга бир қарашнинг ўзиёқ уни ўша заҳоти ақл-хушини жойига қайтариш, шундай қиладиган бўлса кизни ҳалок этиши аниқ эканини эслаши учун кифоя эди. Ёлғиз траппергина, гўёки шахсан унга ҳеч нима таҳдид қилмаётгандек, хотиржам, кузатувчидай тутаётган эди ўзини. У содир бўлган заррача ўзгаришни хавфу хатарга қўпдан ўрганиб кетган одам янглиғ вазминона қиёфада, сергаклигу сезгирлик ила пайкаб оларди; аммо унинг юзида акс этган босинки қатъият ўз қўриқчиларининг ҳар қандай хатосидан фойдаланишдек дилидаги хуфиёна ниятини ошкор этиб турарди.

Бу орада тетон жангчилар ҳаяллаб, ишни пайсалга солиб ўлтирганлари йўқ. Токи чинакамига эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш зарур бўлган жойга етиб боргунларича сойлигу пастқамликлардаги ўт-ўланлар панасида, бамисоли ўлжасини кўзлаб писибгина келаётган илондай, шарпа чиқармай ўрмалайвердилар. Фақат Маторигина нигоҳи-ла дарахтзорни оғушига олган қоронғилик пардасини пармалаб, ундан нарини кўрмоқлик ниятида вақти-вақти билан тунд баширасини баландлатиб, гиёҳлар устидан олдинга мўралаб қўярди. Бир неча ана шундай оний кузатувлардан сўнг — олдин ўтказилган айғоқчилик берган маълумотлар устига қўшила бориб у кўз остига олган қурбонлар қароргоҳининг жойлашини ҳолати (гарчи ханузгача уларнинг сони ва химоя воситалари хусусида сардор ҳеч вақони била олмаган бўлса-да) унга беш қўлдай аён бўлиб қолди.

Аммо у қурбонларнинг сонини химоя воситаларини аниқлашни ҳар қанча истамасин, уринишлари зое кетаверди: қароргоҳда чинакамига қабристон сукунати ҳукмрон эди. Бундай мубҳаму қоронғи шаронгта тадбиркорлик, сабот-матонатда ўзидан анчайин мундайроқ одамларга нишонмайдиган ниҳоятда бадғумон ва эҳтиёткор дакота иккала шеригига жойида қолишни буюриб, уёғига бир ўзи ўрмалай кетди.

Энди Матори секинроқ илгарилай бошлади. Ўрганмаган одам учун бундай ҳаракатланиш усули азоб берарли даражада қийин бўлиши мумкин эди. Аммо-лекин ўлжаси ёнига ҳатто илон ҳам бунчалик шарпасиз, аппа-аниқ дорий олмайди денг. У ўз тапасини ўт-гиёҳларни босиб-эзган қўйи қаричма-қарич олға силжитар ва ҳар бир

ҳаракатидан кейин, бирор шарпа яқинлашаётганимдан оқ танлилар хабардор эканлигилигидан далолат бериб қолмасмикан, деган ўйда тик этган товушга кулоқ солган кўйи тек қотарди. Ниҳоят, у кўройдин ёритиб турган ердан ўтиб, ўзи бегона кўздан яшириниб, тева-ракдаги нарсаларни эса уткир нигоҳи-ла аниқ-тиниқ кўра оладиган — дарахтзор қўлага ташлаб турган жойга етиб олишга муваффақ бўлди.

Шу ерга етгач, тетон йўлни давом эттиришдан олдин зимистонликка тикилганча узоқ туриб қолди. Қароргоҳ қаршисида нақ кафтида тургандек ястанган эин — қанои матодан тикилган чодир, усти берк аравалар на иккита чайла қорайиб, бироқ шакли-тарҳи аниқ кўзга ташланиб турибди. Тажрибали жангчи бундай омили далолатдан ҳар қандай кучга тўқнаш келишини етарлича аниқ ҳисоблаб чиқиши мумкин эди. Лекин гайритабiiий сўқунат хануз унинг кўнглига ғулғула солиб турганди; афтидан, бу одамлар ясама бепарволлигу хотиржамликлар-ни ростакамга ўхшатиш учун ўзларини ҳатто нафас ол-май ухлаётган қилиб кўрсатаётгандек эди. Сардор бошини ерга теккудек эгиб, кулоқ солди. У хафсаласи пир бўлиб эди бошини кўтармоқчи бўлиб турганида, кулоғига пинакка кетган одамнинг чуқур ва узук-юлуқ нафас олаётган товушини илғаб қолди. Ҳинду бундай оддий ва одатий хийла қурбони бўладиган анойилардан эмас, унинг ўзи алдаб-лақиллатиш бобида устаси фаранглар-дан эди. Алоҳида, ўзига хос тарзда титраб-тебранишидан мазкур товушни табиий деб билди ва ҳадик-хавфсираши-ни йигиштириб қўйди.

Забардастликда бешафкату жангари Маторидан иича ночорроқ одам бўлганида у, кўнгилли тарзда ўзини-ўзи рўпара қилаётган хавф-хатар қаршисида хиёлгина чўчи-ни тайин эди. Унинг эл-элати яшайдиган овлоқ ўлкаларга бот-бот бош сукиб турадиган оқ танли кўчманчилар-нинг қандай жасур, қанчалик бақувват бўлишини у бил-май, ким биларди дейсиз. Шунга қарамай, ҳар қалай у кўзлаган муддаосига писибгина яқинлашаркан, довюрак душмани қалбида уйғотадиган доимий ҳуркак эҳтиромни бегоналарининг юртига бостириб келиши қизил танлининг вужудида, аланглашиб юборган интиком туйғуси босиб кетди.

Тетон йўлини ўзгартиб, дарахтзор этагига қараб ўрма-лай бошлади. Кўзлаган ерига эсон-омон етиб олиб, қароргоҳ қандай жойлашганини яхшироқ кузатиш учун

сал қаддини кўтарди. Бепарво сокчининг қасрда ётганини аниқ билгани учун бир сония фурсатнинг ўзи қифоя эди. Китобхон дакотанинг аллақачон Ишмаэлнинг туғи сокчиликка қўйилган бегаму бепарво ўғилларидан бирига шунчалик яқинлаб боришга муваффақ бўлганини англагандир, албатта.

Дакота ўзи фош бўлмаганига ишонч ҳосил қилгач, қаддини яна сал кўтарди-да, захрини солишдан олдин ўлжаси тепасида камондай эгилиб, солланиб-чайқаладиган илон мисоли, қорамтир башарасини мудраб кетган сокчи бети ўзра энгаштирди. Истаган нарсасини — бу одам ухляптимми, ўзи қандок одам — билгач, Матори бошини кўтара бошлаган ҳам эдики, ухляётган кимса ҳозир уйғонишидан далолат бериб қимирлаб қўйди. Ҳинду белида осиглик пичоғига чанг солди. Қўз юмиб-очгунчалик фурсат ўтмаёк унинг тиги йиғитчанинг кўксини ўзра йилт этиб кетди. Кейин, дакота шитоб-ла ишлаётган ўй-хаёли тезлигида ўз ниятидан қайтиб, тагини уйқудаги йиғитча сўянган қулагилган дарахт орқасига олди ўзини, дарахт танасининг ўзи каби қоп-қора, қимирламас ва қўрқинишидан худди ўзидай ҳиссиз қуланкасида пичиб ётаверди.

Бегаму бепарво қўриқчи оғир ковокларини очиб, ғира-шира осмонга қўз ташлаб олди-да, йўгон гавдасини дарахт танасидан зўр-базўр ўзиб, озроккина кўтарилди. Кейин гўёки сергаклик ила атрофни кўздан кечирди, хира нигоҳ-ла ёнгинасида қорайиб қўринган қароргоҳларига назар солди ва ширавагина ойдин прерия олиқликларига тикилди. Уёқда диққатни тортадиган ҳеч нима йўқ, уйқули қўзлари, ўнгида ўша-ўша адиру тепа, сойлигу қир ва яна тепалардан иборат хазини манзара. У ҳолатини ўзгартиб, хавфли ҳамсоясига батамом тескари ўгирилиб олди; сўнгра аъзойи бадани бўшашиб, тагини ерга узала тушиб ётди. Оғир-оғир нафас олиши қўриқчининг яна уйқуга кетганидан дарак бергунига қадар, орага узоқ, тетон учун изтиробли, дилини хит қиладиган сукунат чўмди. Аммо ўзи ҳаддан зиёд даражада айёрликка мойил Ҳинду ўшбу дастлабки уйқу нишонасига ишонмади. Бироқ одатдагидан бўлакча машаққатли ўтган кун қўриқчинини ниҳоятда чарчатиб, силласини қуритиб қўйганди, шу билан Маторининг шубҳа-гумони кўнга чўзилмади. Шундай бўлса-да, Ҳинду токи тагини чўккалагунича шунчалик эҳтиёткорлик ила, шунчалик шарпа чиқармай ҳаракат қилдики, энг хушёру энг зийрак кузатувчи ҳам



у кимирлаяптими ёки йўқми — буни пайкаёлмасди. Аста-секин ҳаракат қилиб охири зарурий ҳолатни эгаллаган дакота, ёнгинасидаги терак япроқчасини шабадада ҳилпираб шивирлаганчалик шовқин чиқармай, яна ғамгин ганими узра энгашиди.

Матори ухлаб ётган йигитга тикиларкан, ўзини унинг киёмати соҳибидай ҳис этарди шу топда. Йигитчанинг девсифат бўйию паҳлавона қомати жисмоний жиҳатдан ўзидан устун одамни кўрганида вужудини шаксиз чулғайдиган эҳтиром уйғотди ваҳшийнинг дилида. Айни чокда дакота хотиржамгина мазкур таъанинг ҳаёт шабини сўндиришга ҳозирланарди, зеро у ҳаётлигидагина даҳшатли эди. Юрагини аниқ мўлжалга олмоқлик учун у кийими катларини — ҳалал берадиган ортикча тўғанокларни нари сурди, бор кучию маҳоратини ишга солиб гарчча санчгани пичогини энди ҳаволатган ҳам эдики, йигитча ениг химарилиб очилиб қолган оппоқ қўлини шилқ этиб ёнга ташлади, шунда унинг забардаст билаги мушаклари ўйнаб кетди.

Тетон қотиб қолди. Мулоҳазакорона эҳтиёткорлик паҳлавон йигитнинг уйқуси шу топда унинг ўлиmidан кўра кўпроқ хавфу хатарни даф қилиши аниқроқ эканини айтиб турарди. Зимдан, писиб туриб зарба бериш оворачилиги, жон талвасасидаги олишув...бунақанги девкор тана осонгина жон таслим қилиб қўя қолмас экки дунёда. Кўпини кўрган жангчи шу ондаёқ бариши фаҳмлади, бу ҳол қандай рўй беражанини аниқ-тиниқ кўз олдига келтирди. У қароргоҳ томонга аланглади, дарахтзорга тикилди ва ўтдай чакнаган нигоҳини сас-садосиз, осуда даштга қадади. Сўнгра фурсати етгунига қадарли шафқат қилаётган қурбони узра яна бир қарра энгашиб, унинг қаттиқ ухлаётганини кўрди-да, ўзининг маккорона режасига ҳалал бериб қўймасин деган максадада қотилликдан тийилди.

Матори қандай шарпа чиқармай пайдо бўлган бўлса, худди ўшандай нари кетди. Аввалига у қароргоҳ ёқалаб, дастлабки хавф шарпаси сезилди дегунича панага шўнғиб кетиш учун дарахтзор чеккасидан писибгина илгарилаб борди. Ёнидан ўрмалаб ўтаётганида чеккадаги танҳо чодирининг пардаси диққатини тортди. Сиртдан ҳамма парсани кўздан кечириб, одамни толиктирадиган бир сергақлик ила тик ётган товушга қулоқ солган қўйи пардани хиёлгина кўтариб, қорамтир-қизғин тусли юзини унинг остидан суқишга журъат этди ваҳший. Шу ҳолатда

бир дақиқадан кам ётмади у, кейин ортига тисарилиб, чодир олдида гужанак бўлганча килт этмай қолди. Бир неча сония ўз кашфиёти хусусида мулохаза юритиб, ёвузона ўйлар исканжасида ҳаракатсиз ўлтирди. Сўнг тагин мук тушиб ётди-да, бошини яна парда остидан ичкарига суқди.

Тетонлар сардорининг чодирга шу қавилдаги иккинчи «ташрифи» биринчи сафаргисига қараганда кўпрокка чўзилди ва башарти шундай дейиш жоиз бўлса, янада ёвузона тус олди. Аммо-лекин оламда ҳеч бир нарса абадий чўзилмайди, шундок экан, ваҳший ниҳоят ўз ўтли нигоҳини узди сирли чодирдан.

Энди Матори аста-секин қароргоҳнинг ўртасида кўзга қорайиб ташланаётган нарсаларга томон бикиниб бора бошлади. У йўлакай тўхтаб, яна ҳозиргина ташлаб келгани чоккина танҳо бошпанага ўгирилиб қараган ва худди тагин қайтиб борсаммикин ўша ёққа деб иккиланиб қолгандай кўринган пайтида чодирдан талайгина ярд олислаб кетганди. Бироқ шундок яқингинасида, узатса кўли теккудек жойда тўсик бориёди, бунақанги тўсик эса ўз-ўзидан ортида қандайдир қимматбаҳо нарса яширилганини айтиб турарди. Буни билиш иштиёқи гоятда қучли эди. Шу боис Матори йўлини давом эттирди.

Мўрт терак шаббалари оралаб иланг-биланг ўрмалаш ёлғиз илоннинггина иши бўлиб, тетон ана шундай шарпа чиқармай ўрмалашни ўшандан ўрганган эди. Гов-тўсиклардан муваффақият-ла ўтган тетон тўсикдан ичкаридаги жамики нарсани тезгина кўздан ўтказгач, мабодо зарурат тугилгудек бўлса зудлик ила чекиниш учун эҳтиёт-шартдан раҳна очиб қўйди. Сўнгра ўрнидан туриб, ўз қора ниятини ким ёхуд нимадан бошлашни чамалаётган иблис мисоли қароргоҳ бўйлаб одимлай кетди. Мана, у ёш болалари билан аёл жойлашган чайлага бош суқиб улгурди, бири у ерда, бири бу ерда қучоқ-қучоқ шох-шабба устида тетоннинг омадига қотиб ухлаб ётган бир неча девқомат йиғитлар ёнидан ўтиб бориб, ахирини Ишмаэл ётган жойга етиб келди. Матори шу заҳотиёқ қаршисидаги рангпар юзлицларнинг манзилгоҳида энг асосий, энг катта одам эканини фаҳмлади. У олдида қўйган мақсад-ўин амалга оширса бўладиган нарсани ёки йўқми, кейин, ундан иложи борича кўпроқ наф кўриш хусусида узоқ ўй суриб қолди.

У қизик устида сугуриб олган ниҳогини қинига солиб,

энди ёнидан ўтиб бораётган ҳам эдики, Ишмаэл ётган жойида бирдан ёнбошига ағдарилиб, кўзини хил очди-да: «Ким-у?» — деб қолди дўриллаб. Фақат хиндуларгина ўз сабр-тоқатни топкирлиги ила вужудга келган вазиятдан қутулиб кетиш чора-иложини топиши мумкин эди шу топда. Матори ҳозиргина эшитган товуш ва талаффуз оҳангига таклидан тушуниб бўлмайдиган қилиб алланималарни гулдиради-да, таппа ерга ташлаб, ўзини ухлаётганга солди. Гарчи Ишмаэл буни уйку аралаш кўриб турган бўлса ҳам тетоннинг ўйлаб топган нарсаси шунчалик таваккалчилик ва шунчалик маҳорату эпчиллик билан адо этилган эдиким, оқибати муваффақиятсиз чиқиши мумкин эмасди. Ота кўзларини юмди, қароргоҳига қандайин макқору риёкор меҳмон сукилиб кирганини фаҳмламай, қаттиқ ўйкуга кетди.

Ана энди тетоннинг, токи ўзини қузатмаётганларига ишонч ҳосил қилгунига қадар, хоҳласа-хоҳламаса йилдай туялгувчи талай дақиқалар мобайнида қимирламай ётишига тўғри келди. Модомики танаси қимир этмаётган бўлса-да, миёси бекор ётмади. Матори ушбу мажбурий танаффусдан фойдаланиб, қароргоҳни бутун бор-йўғи: чорваси, мол-буюмларни эгалари билан бирга унинг измихтиёрига тутқизиши лозим бўлган ўз режасини ипидан-игнасиғача пухта ўйлаб чиқди. Хавф ўтгани замон қарчаш нималигини билмайдиган хинду йўлида давом этди. Энди у ўрмалаб-эмаклаб — ҳамон боягидай оҳисталик, боягидай эҳтиёткорлик ила — чорва қамалган кичик кўтон сари жилиб бораверди.

У дабдурустан тўқнаш келган жонивор олдида узок, таҳликали бир тарзда ушланиб қолди. Хурқак жонивор (эҳтимолки пинҳоний инстинкт заотида инсонни бепоён текисликлар қўйида ўзининг энг содиқ ҳимоячиси деб билганидандир) хайрон қоларли бир итоткорлик ила ўзини бошдан-оёқ кўздан кечиришларига йўл қўйиб берди. Қўчманчи тетон нотаниш маҳлуқанинг ўсиқ жунли терисини, юмшоқ тумшугини ва ингичка оёқларини ҳарис бир қизиксиниш-ла силаб-сийпаларди; аммо у ниҳоят ўлжа ҳақидаги ўйни ҳаёлидан чиқариб ташлади — йўлтусарлик, босқинчиликларда фойдаси тегмайди буни, емиш тариқасида ҳайдаб кетишга келганда ҳам нафи тегиши қийин. Аммо тушовланган отлар ўртасига кириб қолганида хайратга тушди, бир неча бор нақ лабларидан учиб чиқаёзган хаяжон хитобини базўр тийиб қолди. Бу ерга у жонини тикиб, қандай хавфу хатар остида етиб келга-

нини унутди; оқибатда айёр, тажрибали жангчининг эҳтиёткорлиги оз бўлмаса ваҳшийнинг жўшиб келган хаяжони уммонда гарк бўлаёзди.

V б о б

Нега энди, ота? Не йукотгаймиз?
У бизни янчмоқчи булди-ку. Ахир
Конун ҳам химоя қилмагай бизни.
Наҳотки, биз унинг таҳдидларин жим
Хотиржамлик ила айлагаймиз даф.
Ёки, кутгаймизми такаббур сўқим
Бизга ҳакам ҳамда жаллод бўлишини.

Шекспир, «Цимбелин»

Токи тетон ўз вазифасини шундай заргарона маҳорату эҳтиёткорлик ила адо этаркан, дашт осудалигига ҳеч нима раҳна солмади. Сиуларнинг ҳар бири ўз маррасида ётар, ҳаракатга чорловчи ишорани ерликларга хос сабр-тоқатла кутарди. Безовтаю хаяжонга тушган кузатувчилар қаршисида ястанган, булутлар ортидаги ой хирагина ёритаётган мунгли бепоён дашт бандиларга қимирламай туриш буюрилган тепа чўққисидан кўзга ташланиб турар эди. Қароргоҳ жойлашган ер камбар сойлигу водийчаларга нисбатан анчагина қорайиб-қоронғилашиб кўринар, у ер-бу ерда эса бирмунча ёркинрок ёғдудан хошия-жияк тутган тўлкинсимон тепаю адирлар чўққиси кўзга равшанрок ташланарди. Чор атрофда теран, тантанавор дашт осудалиги ҳукм суларди.

Аммо-лекин ушбу осудалигу тун зулмати қаноти остида қандайин режалар туғилганидан хабардор кишилар учун бу манзара бағоят қутқули ҳамда ларзага солғулик эди. Дақиқа кетидан дақиқа утгани сайин, соқинлигу зулматга чулганган толзордан тик этган товуш эшитилмаётгани бонс уларнинг безовталигу хавотиргарликлари ортгандан-ортиб борарди. Поля чукур-чукур ва пишшлаб нафас олар, унинг қифтига ёпишиб олган ночору нонлож Эллен йигитнинг аъзойи бадани қалт-қалт титраётганини сезиб-хис этиб тураркан, қизнинг дилига бетизгин ваҳима қутқу солаётган эди.

Уючанинг қанчалик очофату нонсоф эканини юқорида кўргандик. Шу бонсдан ҳам қоровулбошининг ўзи тасдиқ этган шарт-шароитни биринчи бўлиб ўзи унутгани китобхонни ажаблантирмас. Биз айнан раиғпар юзтиларнинг отларини кўрганда хаяжону хайратини аранг босиб қол-

ган Матори билан ажралишган дамда, у бандиларни кўриқларини зиммасига юклаган одамнинг ўзи авайлаб саклашни лозим бўлган кимсаларни кийнаб хуморидан чиққиси келиб қолди. Ваҳший энгашиб, траплернинг кудогига шивирлади, аниқроғи тўнғиллади:

— Агарда тетонлар Узун Пичоқлардан бирортасининг кўли билан ўзларининг улуг сардорларидан жудо бўлсалар, унда қарию ёш бариларнинг ўласанлар.

— Умр Вақонда бахш этган эҳсон, — деган хотиржамгина жавоб бўлди бу дағдағага. — Тетон жангчи, шунингдек унинг бошиқа ҳамма болалари катори, унинг амри маъруфю қонунарига бўйин эгиб, итоат этмоғи лозим. Одам боласи Вақонданинг хоҳиш-иродаси билангина ўлади; шундоқ бўлгач, биронта дакота тақдир азалда битилган ўлим соатини узгартиришга қодир эмас.

— Мана қара! — дея эътироз билдирди ваҳший ва ялангочлашган пичоғини бандининг нақ кўзлари олдида ўйнатди — Қўппак учун Уючанинг ўзи Вақонда.

Чол нигоҳини бадкирдор кўриқчисининг афтига қадади, кўзларининг туб-тубида оний одилтона нафрат учқунлаб ўтди; бироқ бу учқун ўша заҳотиёқ сўниб, башарти қайғу алам бўлмагани тақдирда ҳам, ҳамдардлигу хайрихоҳлик ифодасига ўрин бўшатиб берди.

— Унда, нахотки ҳақиқатдан ҳам тангри қавлида яратилган кимса учун ақлу онгнинг майда-чуйда ғаразли ўй-ниятларини деб ғазабга эрк бериш муносиб иш бўлса? — деди у инглизчалаб, овозини Уюча ўзи билан сўзлашаётганидан анча-мунча баландлатиб.

Ушбу беғаразу беихтиёрий қилмишнинг шартин бузиниб деб билган кўриқчи бандининг телпағи остида чикиб турган сийрак ошпоқ сочларига чанг солиб, жазава устида таг-томпири билан шартта қирқиб ташлашга жон-жон деб шайланган пайғида ўтқир, чўзиқ хайқириқ ҳавонини тизкалаб ўтди-ю, акси садо таратганча, бамисоли лаклак шайтону иблислар мазкур даъваткор наърага барабарига жавоб қайтаргандек, ҳад-худудсиз дашт ялангликлари бўйлаб таралди. Уюча ичдан гупуриб келган хаяжон запти нидоси-та чангалнинг ёзиб юборди.

— Қани бўл! — деб қичқирди Поль сабрсизлигини ортиқ жиповлай олмай. — Қани, кекса Ишмаэл, фурсат етди! Томирларингда кентуккийлик қони оқаётганини кўрсатиб қўй бир! Пастлатиб ўт очинглар, йигитлар, ер юзалатиб мўлжалга олинглар, қизил танлилар ерга қанишгудек бўлиб боришяпти!

Бирок унинг овози чир атрофда эллик нафар огиздан янграётган наъраю хайкириклар оқимида гарк бўлиб кетди. Қўриқчилар ҳали-ҳозирча бандилар ёнида ўз паккаларини эгаллаб турардилар-у, аммо маррада турган йўртоқи тулпорлардек бетокатлик-ла олға талшнар эдилар. Улар катталардан кўра кўпроқ ўйинқарок болаларга ўхшаб қўлларини силкишар ва турган жойларидан иргишлашар, тинмай хайкиришар эди.

Ана шундай шиддаткор тўс-тўпалон орасида қўққисдан худди бизонлар подалари бостириб келаётган пайтдагидек ғовур эшитилди, сўнгра Ишмаэлнинг кўркиб-хўркиб тўдаланиб олган кўй, қорамол ва отлари елиб югуриб келаверди.

— Скваттернинг чорвасини хайдаб келишяпти,— деди сергаклик ила кузатиб турган траппер. — Нималар қилишяпти-я бу палидлар! У энди туёксиз, уловсиз, ночор кундуздай бўлиб қолди-ку!

Чол ҳали сўзини тугатганича бўлмай, бугун подаю уюр ёнбағирликдан елиб-учиб чиқиб, бандилар турган адир тепасидан улар устига шоввадай бостириб, подалар ортида нблис қиёфали қора шарпалар от елдириб келаверди.

Тетонларнинг қизикқонликда эгаларига ҳамдаму ҳамнафас бўлишга ўргатилган отлари зўр бериб олға интилар, қўриқчилар эса уларни минг машаққат-ла тутиб туришарди жойларида. Жамики нигоҳлар учиб елиб келаётган одамлару жониворлар қуюнига қаратилган сонияда траппер аграйиб турган қўриқчисини гафлатда қолдириб, ўз ёнидаги одамдан асло қутилмаган қуч-ла унинг қўлидаги пичоқни юлқиб олди-ю, бир селпишда ҳамма отлар боғланган тасмани кесиб юборди. Қутуриб-уйноқлаб турган отлар шодлигу кўрқув ичра кишнаб, туёқлари ила тупроқни фаввора мисоли сачратганча бепоён дашт бўйлаб тўрт тарафга қараб тўзиб-таралиб кетди.

Йулбарс тахлит чакқону ёвуз Уюча шашт-ла бандига юзланди. У бўш қинга чанг солди, почорликда шоша-пиша пайпасланарди-ю, томагавки бандини топа олмасди, кўзлари эса — гарб хиндуларининг отга ўч ҳасис кўзлари — айни пайтда елиб бораётган отлар ортидан жавдираб тикиларди. Ҳарислик ва интиқом иштиёқи орасидаги олишув бешафқат, аммо умри қисқа бўлди. Биринчиси тезда ғолиб чиқди. Орадан бирон сония ўтмасданок қўриқчилар тўзиб-елиб кетган отларни қува кетди. Трап-

пер ўзининг таваккалона қилмишидан кейин юзага келган қалтисе таҳликали лаҳза давомида душмани бетиға хотиржам тикилиб тураверди; мана ҳозир, Ўюча ҳам бошқалар кетидан югуриб кетгач, чол одатича паст, деярли сассиз қулғисен билан қулиб қўйиб, шундай деди:

— Қизил танли даштдами, ўрмондами, бари бир қизил танчилигича қолади-да! Бунаканги бебонилик учун христиан-қуриқчининг бошига энг камида қўндоқ тушган бўларди, тетон эса, худди бунаканги пойгада икки оёқли тўрт оёқлига сира буш келмайдн деб уйлагандай, отларини қувиб кетди. Бу шайтонбаччалар тонг ёришгунча отларини битта қўймай тутиб олишади, сабабни, жониворларда савқи табиий — инстинкт, буларда бўлса ақлонг ишлайди. Ожиз, аянчли ақлу онг, тўғри, лекин ҳарҳолда ҳинду ҳам одам... Эҳ, делаварлар — ана улар чинакам ҳинду эди! Американинг фахри-гурури! Қайда қолди ҳозир ўша қудратли халқ? Деярли бари тўзиб, қирилиб битди. Шунака гаплар. Саёҳатчимизни шу ерда ўтроқ бўлиб қолишига тўғри келади энди: гарчи табиат бу ерда уни заминни дов-дарахтдан тозалашдек ноқонуний ҳаловатдан маҳрум этса-да, истаганича сув топилади ҳар қалай. Илло ўзининг тўрт оёқли жониворларини энди тушида ҳам кўролмайди — ёхуд снуларнинг маккорлигини яхши билмайман.

— Ишмаэлнинг ёнига борсак бўлмайдимиз? — деди асаларичи. — Обдон олишмай туриб буш келмайдн у буларга: мабодо чол тўсатдан қўён юракка айланиб қолмаган бўлса, албатта.

— Кераги йўқ, кераги йўқ! — дея зорланишга тушди Эллен.

Траппер қизнинг оғзини охистагина кафти билан беркитди.

— Жим!.. — дея тўхтатди у қизни. — Шангиллаб гапирадиган бўлсак — бошимизга фалокат орттириб оламиз. Ўша дўстинг, — деб Полга мурожаат этди у, — довиюрак одамми ўзи аслида?

— Қўйинг, скваттерни меннинг дўстим деманг! — унинг гапини бўлди йиғитча. — Ўзини боқаётган ерга эгалик ҳуқуқини берадиган васнкани кўрсата олмайдиганлар билан ошначилигим йўқ унаканги.

— Хўп, хўп. Унда танишинг дей қоламиз. Иродаси мустаҳкам одамми у? Ўз бойлигини асраш учун кўргошинну милтиқдорини аямайдиган одамларданми ишқилиб?

— Ўз бойлигини? Ўх-хў! Ўзиникиниям, бегонашикийям асраб-авайлаб коладиганлар хилидан-ку! Айтнинг-чи, кекса траппер, кўхна Кентуккидаги Буфалло-Лик тева-ракларидаги ерларни эгаллаб олган кўчманчиларни қувиб-солмоқчи бўлган шериф ёрдамчисини ёстигини қуритган кимнинг қуроли, айтиб бера оласизми шунини? Мен ўша қуни қуриган қорақайин танасидаги ажойиб ари уясини излаб топгандим, қорақайин остида эса, ўша шериф ёрдамчиси, худди шу бир парча қогоз скваттернинг ўкига қарши қалқон бўлди деб ўйлагандек, камзули чўнтагига солиб олган тешик «яратганининг мархамати ила»¹ қогози билан чўзилиб ётганди. Парво қилма, Эллен хавотирланадиган жойин йўқ: иш гумондан на-рига утолмади — ўша атрофларда Ишмаэлдан бошқа яна эллик чоғли хўжалик худди ўшандай «хак-хукук» билан жойлашиб олишган эди, шунини-чун уларнинг хоҳ-лаганидан гумон қилиш мумкин эди.

Қиз бир сесканиб тушди, у босишга қанчалик ҳаракат қилмасин, оғзидан зўриқиб чиққан оғир хўрсиник қалбини теран қатларидан юлқиниб чиққандек бўлди.

Чол талайгина нарсани билиб олди: Полнинг қисқа-гина, лекин маъноли ҳикоясидан сўнг Ишмаэл ўзини ранжитганлари эвазига ўч оладими ёки йўқми деб икки-ланишга ўрин қолмади. Ҳозир эшитган гаплари унинг фикр оқимини янги ўзанига буриб юборди.

— Ўз яқин-биродарлари билан қандай ришталар ҳаммадан мустаҳкамроқ боғлаб туришини ҳар бир кимса ўзи билади, — деб сўзлни давом эттирди у. — Лекининг минг таассуфки, терининг туси, бойлик ҳам, тил ҳам, илмлилик ҳам — бари аслида бир отанинг фарзандлари бўлмиш одамларни бир-бировидан ниҳоятда узоқлашти-риб, ажратиб қуяди. Лекигини, буёғи қандок бўлган чоғда ҳам, — дея сўзлашда давом этди у бирдан ўзига хос тарзда ҳам ҳиссиётда, ҳам хатти-ҳаракатида кескин ўзгариш ясаб, — ҳозир ваъзхонлик қилиб ўлтиришнинг фурсати эмас: кўриниб турибдики, олишув бўлади, шунга ҳозирланиш керак. Жим... қуйида аллақандай ҳаракат бошланди чоғи, тўппа-тўғри, бизни пайқашди.

— Қароргоҳдагилар гимирлаб қолишди-ку! — нидо солди Эллен ва шундай қалтираб кетдики, худди дўстлари-

¹ Яъни — ижро қогози (одатда суд ҳукми ва булақ расмий ҳуж-жағлар шу сузлар билан бошланар эди).

нинг бу ерга етиб келишлари унинг учун душмanning яқингинадаги пайдо бўлишидан кура даҳшатлироқдек кўринди. — Бор, Поль, бора қол, мени қўявер. Лоакал сенга кўзлари тушмай турсин уларни.

Эллен, сени ҳаттоки Ишмаэлнинг қаноти остида бўлса ҳам, беҳавотир жойда кўрмасдан бурун ташлаб кетгандан кура умрим бўйи боларининг ҳувиллашини эшитмай, қўлогим том битгани яхши. Ёки бундан ҳам баттарроғи — майли, икки кўзим басир бўлиб, уясига учиб бораётган асаларини кўрмай қўйсин!

— Сен манави меҳрибон қолини унутиб қўйяпсан. Бу киши мени ёлғиз ташлаб кетмайдилар. Очигини айтганда, Поль, ўтган гал икковимиз қўлда бундан ҳам бешбаттар вазиятда ажрашган эдик-ку, ахир.

— Э, йўқ. Кўрасан ҳали, ҳиндулар орқага югуришиб қолишадн, ана ўшанда ахволларнинг не кечади? Хайдаб кетишадн, ана унда то орқаларидан қайси тарафга қараб излаб боришни аниқлагунигча, улар сени элиб Қояли тоғларнинг ярим йўлида бўлишадн. Хуш, сизнингча қандок, траппер, анави тетонларнингиз кекса Ишмаэлнинг қолган қақир-куқурини тортиб олгани қайтиб келгунларича қанча вақт утаркин?

— Улардан кўркишнинг ҳожати йўқ энди, — деб жавоб қайтарди қол ўзига ҳос сассиз қулги билан. — Бу иблис-ваччаларни биламан, отлари кетидан олти соатлар чамаси қувлашадн, бундан каммас. Эшитаяпсизларми? Толзордаги тепа этагидан дупур эшитиляпти-ку! Бу ўшалар! Сиуларнинг ҳар бир оти ана шунақа, югуришда буғудан қолишмайди. Тс-с... Ётинлар яна ўт орасига — икковинг ҳам, тезроқ! Милтик тепкисининг шиқирлаганини эшитдим — бир ҳовуч тупроқдан яралганим қанчалик аниқ бўлса, бу ҳам шунчалик аниқ.

Траппер шерикларини ўйлаб, бош қотириб ўтиришга йўл қўймади: у шу сўзларни айтганича уларни баланд ўсган — одам бўйи барабар келаётган — ўсимлик томон эргаштириб кетди. Бахтларига кекса овчининг илгариги кўз-қўлогини ўткирлиги сақланиб қолган, тезқорлигию қатъиятлилиги йўқолмаган эди хануз. Учовлон ерга энгашиб улгурмасданок уларга жуда яхши таниш қискагина қаранглаган товуш янгради — уч нафар кентукки милтигидан бир йўла ўқ ўзилди — ўша ондаёқ уларнинг нақ бошгиналари ёнгинасидан кўргошини ўқ ҳувиллаб ўтди.

— Чаккиямас, азаматлар! Барақалла, қария! — деб шичирлади Поль. На ҳавфу хатар, на мушқул аҳвол

узил-кесил боса олмаётгандай туюларди унинг рухан тетиклигини. — Бараварига бошлаб ўқ узиндики, ўзинг нишонга кўндаланг турган пайтингда бундан ортиқрогини кутмасанг ҳам бўлади. Сиз нима дейсиз, траппер? Чамаси, уч томонлама уруш бошланаётган куринад-ёв! Мен ҳам уларни ўкка тутиб қолсаммикин-а?

— Асло! Жавоб қайтарадиган бўлибса — кўргошин билан эмас, балки оқилона сўз билан қайтариш лозим, — уни тўхтатиб қолингга ошинди чол, — аке холда икковларинг ҳам нобуд бўласизлар.

— Борди-ю, қуролимни эмас, тилимни ишга соладиган бўлсам бирон нимага эришимнига нишончим йўқроқ, — деди Поль ҳазиллашшидан кўра кўпроқ зарда билан.

— Худо ҳақки, секинроқ. Эшитиб қолингга-ку! — гапга аралашди Эллен. — Кета қол, Поль, бор! Мана энди мени хотиржам ташлаб кетаверсанг бўлади. — Кетмакет узилган ўқ овозлари эшитилди, ўқлар тобора яқинроққа туша бошлади-ю, қиз жим қолди — кўрқувдан эмас, эҳтиёткорлик юзасидан.

— Ишни бир ёқлик қиладиган хонаси келди, — деди траппер ва ёлғиз зиммасига олган вазифанингина ўйлаётган одам янганг шашт-ла қаддини ростлаб, типпа-тик турди. — Бўталарим, ўзларинг севиб, ҳурмат қилишларинг лозим бўлган кимсалардан нима сабабдан хавфсираётганларининг билмайман-у, лекигини, қандок бўламсини, ҳаётларининг сақлаб қолини керак. Шунча умр кўрган одам учун ҳаёти яна бир неча соат ортиғу ёхуд камроқ чўзилишини нима фарқи бор? Шундоқ бўлгач, мен уларга рунара чиқаман. Сизларни эса тўрт томонларинг қибла. Имкони борича ва ўзларингга маъқул келганича фойдаланиб қолинглар бундан. Илоё бахтларининг берсин, бунга муносибсизлар!

Траппер жавобини кутиб ўлатирмади, ёнбағирликдан қароргоҳ томонга қараб бир маромда, на тезлатмай ва на ваҳимада секинлатмай, дадил одимлайверди. Шу топда ойдин унинг дароз, қотма гавдасини ёритиб турар, қўчманчилар уни албатта кўриб-пайқашлари керак эди. Бирок, чол ушбу ноҳуш ҳолатдан заррача қўчиб-тап тортмай, токи: «Қелаётган ким — дўстми ё душман?» деган дағдағали товушини эшитгунига қадар дадил ҳамда чурк этмай тўғри дарахтзорга қараб тушиб бораверди.

— Дўст! — деб жавоб қайтарди у. — Қолган умрини жанжал-олишув билан заққум қилиш малол келадиган мўнқиллаган бир мўйсафид.

— Аммо-лекин ҳали ёшлик чоғларидаги ҳийлакорона пайраиғларини унутадиган даражада мўнқиллаб қолмаган,— деди Ишмаэл ва чолни бетма-бет қарши олгани пастаккина бута остидан чиқиб келди. — Қария, сен қизил тапчи шайтонваччалар галасини бошлаб келдинг устимизга, эртага бўлса ўлжадан улушингни олгани борасан уларнинг ёнига.

— Нималарингни олиб кетишди?

— Саккизта уловга қўшилладиган от билан испан қиролнинг бошини сурати бор мексика олтин тангасидан ўттизтасига арзийдиган тойни. Хотинимга эса ақалли бирорта қилтириқ жониворни қолдиришмабди — на сигиру на қўйдан. Чўчкаларни айтмайсанми, чўлок-мўлок-ликларига қарамай; ҳозир даштнинг ковлаб-титиб юрган бўлса керак улар. Қани менга айт-чи, қария,— қўшимча қилди у милтиғи қўндоғи билан траппердан юраксизрок одамни ўтакасини ёрадиган даражада қок ерни дўкиллатиб уриб қўяр экан,— менинг жониворларимдан неча боши тегади сенинг улушингга?

— Отларга ўчлик жойим йўқ, Американинг бепоён дала-даштларида мендан кўпроқ тентираган одам камдан-кам топилса ҳам, қанчалик қариган ва туркимдан қанчалик заиф кўринмай, ҳеч қачон минган эмасман уни. Лекигни Йоркнинг, тўғрироғи, илгариги Йоркнинг тоғу ўрмонларида отнинг фойдаси кам тегади; ҳозирча эса у, чўчимайманки, бутунлай ўзгариб кетган. Жун билан сигир сутига келганда бўлса — бу аёлларнинг юмуши. Дашт ҳайвонлари ҳам қоринини тўйғазади, ҳам устимни бут қилади. Менга қолса, буғу терисидан тикилган кийиму буғу этидан таъмлирок эт йўқ оламда.

Траппернинг соддадиллик-ла ўзини оқлаши, самимий сўзлаётгани бирмунча таъсир кўрсатди. Скваттер шу пайтгача ўзининг тугма сусткашлиғу баёвлигини енгиб, тобора қизишиб бораётганди. Аммо гап шу ерга келганда у иккиланиб қолди ва бирон дақиқа бурунрок дилига тугиб қўйган ўчини амалга ошириш олдидан овози борича хайкириб айтмоқчи бўлган айблов сўзларини ғўлдирабгина қўя қолди.

— Жуда ўхшатиб гапиряпсан,— тўнғиллади у ниҳоят,— лоқин, наздимда, ҳалол овчидан кўра оқловчиларга ўхшатиб.

— Бор-йўғи битта трапперман, холос,— деди чол мўмингина.

— Овчи нимаю траппер нима — фарқи кам. Мен бу